


38934
НД 2 9/

ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ
ДУРДОНАЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад
БОБУР

САНГА КЎНГЛУМНИ
ОЛДУРДУМ





*Заҳириддин Муҳаммад
БОБУР*

*САНГА КЎНГЛУМНИ
ОЛДУРДУМ*



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2011



УДК: 821

ББК 84 (5ў)1

Б79

Ўзбек арабчиси

Тузувчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи:

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

38934
10 29,

ISBN 978-9943-01-658-3

© «O'ZBEKISTON» HMIY, 2011

2012/19	Alisher Navoiy nomidagi
A856	O'zbekiston MA



НАВОИЙНИНГ МУНОСИБ ИЗДОШИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур деганда кўз ўнгимизда ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги буюк намояндаси, Ҳиндистонда 332 йил ҳукм сурган буюк бобурийлар салтанатига асос солган қудратли давлат арбоби, кўплаб музаффар юришларни амалга оширган жасур ва моҳир саркарда, жаҳон мемуар адабиётининг нодир дурдоналаридан бўлмиш «Бобурнома»ни яратган билимдон ва ҳақгўй муаррих, ислом арконлари ҳақида «Мубаййин» асарини битган забардаст фақиҳ, мумтоз сўз санъатининг асосий вазни бўлмиш аруз тизимини тадқиқ этиб, «Аруз рисоласи»ни ёзган нуктадон адабиётшунос, ўтмиш ва замондош олиму адиблар ижодини талабчанлик билан баҳолаган нозиктабъ мунаққид, араб ёзувини ислоҳ қилиб, «Бобурий хат»ни кашф этган ижодкор мураббий, машҳур тариқат пири Хожа Аҳрор Валийнинг «Волидия» рисоласини форсийдан шеърӣ усулда таржима қилган маҳоратли мутаржим, туркий мусиқа оҳанглари ҳақида рисола битган мусиқашунос, қатор куйлар яратган бастакор, ҳарб санъати ҳақидаги рисола муаллифи, гўзал ҳуснихат соҳиби ҳисобланмиш серқирра фаолият ва истеъдод эгаси бўлган баркамол бир зот гавдаланади.

Бобур 1483 йили 14 февралда Андижонда Фарғона вилояти ҳокими Умаршайх Мирзо хонадониде туғилади. У «Бобурнома»да «зоду буд Андижон вилояти» деган бир иборани ишлатади. Буни бир неча маънода талқин қилиш мумкин: «туғилиб ўсган ерим», «бору йўғим»,

«ҳаётим» ва ҳоказо. Унга Туркистон мулкининг ўша даврдаги шайх ул-машойихи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий Заҳириддин деб исм қўяди (Бу исмнинг маъноси динни қўллаб-қувватловчи, диннинг ҳомийси, паноҳи бўлиб, уни талаффуз қилишга қийналишгани сабабли гўдакни Бобур (шер, йўлбарс) деб атай бошлайдилар ва у шу ном билан машҳур бўлиб кетади. Албатта, унинг бу исми олишига довлораклиги ва жасурлиги ҳам сабаб бўлган).

Бобур хонадони Андижон арки ичида яшар, Умаршайх Мирзо ёз ойларини Сирдарё бўйидаги Аҳси қалъасида, йилнинг қолган фасллариини эса Андижонда ўтказар эди. Бобурнинг болалиги Андижонда ўтган. Барча темурий шаҳзодалар каби у ҳам саройда махсус мураббийлар, ўз даврининг олиму уламолари тарбиясини олади, фикҳ илмини, форс ва араб тилларини, ҳарб санъатини ўрганади, кўплаб адабий-тарихий китобларни мутолаа қилади, илм-фанга ва адабиётга алоҳида меҳр қўяди.

Лекин отасининг бевақт ўлими Бобурни беғубор ва жўшқин болалиги билан эрта хайрлашиб, ҳукмдорлик тожини кийишини тақозо қилади. У Фарғона тахтига ўтирганида 12 ёшда эди. «Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум», — деб бошлайди унинг ўзи ҳаёти солномасидан иборат «Бобурнома»ни. Таҳсилнинг чала қолган қисмини у ҳаёт отлиғ буюк муаллимдан олади.

Бобур илк рубоийсини 19 ёшида бадиҳа тарзида айтади. Самарқандни иккинчи марта олганида у машҳур шоир Камолиддин Биноий ва Хожа Абулбарака билан мушоира асносида Биноийнинг рубоийсига жавобан бир рубоий айтиб юборади ва шу пайтгача бир байт-икки байт шеър тўқиб юрсам-да, ҳали бирорта ғазални охирига етказган эмас эдим, лекин бир туркий рубоий айтиб юбордим, дейди.

Иккинчи марта эса Самарқанддан яна айрилиб, Фарғонадан ҳам маҳрум бўлиб, Тошкентга паноҳ излаб борганида тоғаси Маҳмудхонга қуйидаги машҳур рубо-

ийсини ўқиб бергани, лекин ўзи ҳам шеър ёзадиган хуштабъ тоғасидан тайинли жавоб эшитмаганини қайд этади:

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши.
Кўнглум бу ғариблиқта шод ўлмади ҳеч,
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.

Шундан кейин Сомсийрак навоҳи (атроф, чегара — Э.О.)сидаги Турок чорбоғида олти байтдан иборат илк ғазалини тугатганини айтади. У қуйидаги матлаъ билан бошланади:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги буюк намояндаси ҳисобланади. Чунки машҳур муаррих Мирзо Ҳайдар таъбири билан айтганда: «Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур даражасида ёзган эмас». Чиндан ҳам, Бобур ижоди Навоийдан кейинги алоҳида босқични ташкил этади. У адабиётни ҳаётга, адабий тилни халқ тилига яқинлаштирди. Атоий, Лутфий шеърларидаги халқчиллик Бобур асарларида янгича шаклда қайта тугилди. Хусусан, «Бобурнома» билан у туркий адабиётда реалистик насрни бошлаб берди, содда, халқона услубга асос солди. У ўз асарлари мавзусини асосан ҳаётдан олди. Шоир меросининг ҳайратланарли даражада ҳаётийлиги, кўнгилга яқинлиги, туйғуларининг табиий ва самимийлиги шундан.

Бобур шеърларидан икки девон тузгани маълум. Уларнинг биринчисини Мовароуннаҳр ва Афғонистонда ёзилган (XVI асрда Туркияда Алишер Навоий асарлари учун тузилган «Абушқа» номли луғатда шоирнинг шу биринчи девонидан бир неча мисоллар келтирилган), иккинчисига Ҳиндистонда ёзилган шеърлари киритил-

ган. У ўзи ҳаётлигидаёқ девонларини кўчиртириб, ўғиллари, дўсту қадрдонлари, қариндошлари, шунингдек, Самарқандга — Шайбонийхоннинг невараси Фўлод Султонга ҳам юборган. Лекин бу девонлар бизгача мукамал ҳолда етиб келмаган. Ҳозиргача шоирнинг 119 ғазал, 1 маснуъ шеъри, 209 рубоийси, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 30 дан зиёд фардлари аниқланган, девони таркибидан умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган.

Кейинги йилларда адабиётшунос олима Шафиқа Ёрқин Бобурнинг Туркиядаги Истанбул университети кутубхонаси туркий қўлёзмалар бўлимида 3743 рақами остида сақланаётган девонидаги, унинг ҳозиргача нашр этилган тўпламларига кирмаган ўзбек тилидаги 5 ғазали, 9 қитъаси, 5 рубоийси, 9 маснавий шеъри, 10 тўртлиги, 2 туюғи, 40 дан ортиқ фардлари, қатор маснуъ шеърлари, 1 маснуъ таржеъбанди, 2 номасини эълон қилди.

«Мубаййин» («Тушунтириш») — Бобурнинг ўғиллари Ҳумоюн ва Комронлар учун фикҳий қўлланма сифатида ёзган асари. У маснавий шаклида бўлиб, беш қисмдан иборат: «Эътиқодия» деб номланган биринчи қисмида иймон асослари, «Китоб ус-салот»да — намоз ўқиш қоидалари, «Китоб ус-савм»да — рўза тутиш йўл-йўриқлари, «Китоб уз-закот»да — закот беришга оид тавсиялар, «Китоб ул-ҳаж»да — ҳаж арконлари ҳақида шеърий усулда қисқа, тушунарли маълумотлар берилади.

«Аруз рисоласи» эса мумтоз шеъриятимизнинг асосий ўлчови бўлмиш арузни ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Бу Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон»идан кейин туркий тилда аруз ҳақида ёзилган иккинчи йирик тадқиқот эди. Унда XIV—XVI асрларда яшаб ижод этган 60 дан ортиқ шоирнинг номи зикр этилади ва уларнинг асарларидан парчалар келтирилади.

Бобур моҳир таржимон ҳам бўлиб, 1527 йил октябрда Ҳиндистонда оғир хасталикка чалинганида нақшбандия тариқатининг улуғ арбобларидан Хожа Аҳрор Ва-

лийнинг руҳидан мадад сўраб, унинг «Волидия» рисо-
ласи таржимасига киришади ва қисқа муддатда 243 байт-
ли ушбу асарини тугатади. Қизиғи, таржима тугаши
билан у оёққа туриб кетади.

Бундан ташқари, у араб алифбосини ислоҳ қилиб,
ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш, уни туркий
тил ва талаффуз мезонларига мослаштириш мақсадида
«Хатти Бобурий»ни ихтиро этган. Унинг мусиқа санъа-
ти ва ҳарб ишларига доир рисоалари ҳам бўлиб, улар
ҳозиргача топилмаган. Инглиз шарқшуноси ва «Бобур-
нома» таржимони Уильям Эрскиннинг ёзишича, унинг
мусиқа ҳақидаги рисоласи бу соҳада ўзигача яратилган
асарлардан анча устун бўлган. Бобур яхши бастакор ҳам
бўлиб, у яратган гўзал ва дилкаш куй-қўшиқлар унинг
вафотидан кейин ҳам халқ оғзидан тушмаган.

Бобур ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, фард, маснавий
жанрларида қалам тебратиб, айниқса, ғазал ва рубоий-
да юксак маҳорат кўрсатган. Албатта, унинг ижодида
ҳам буюк салафларига эргашиб ёзилган анъанавий ишқу
муҳаббат мавзуидаги шеърлар кўпчиликни ташкил эта-
ди. Айни пайтда, шоир реал ҳаёт тасвири, кундалик
воқеалар баёни, шахсий кечинмалар тасвирига кенг ўрин
беради. Бу шеърларда ватан соғинчию гурбат ғами, за-
фарлар қувончию мағлубиятлар алами ўзининг ёрқин
бадий ифодасини топган. Тақдир зарбалари ва замона
адолатсизликларидан шикоят, хиёнат аҳлини фош этиш
ва ўзини ёзғириш оҳанглари ҳам етакчи ўрин тутadi.
Хусусан, ҳасби ҳол, кўнгил кайфияти ифодаланган
шеърлари ўзининг ҳаққонияти ва самимияти билан аж-
ралиб туради. Баъзи шеърларида табиат манзаралари-
нинг гўзал ва бетакрор чизгиларини учратамиз. Улар
орасида инсоний комилликка даъват қилиб, илму маъ-
рифатнинг аҳамиятини улуғлаб, дунё, нафс, ҳою ҳавас-
лар, жоҳиллик ва ғофилликни қоралаб ёзилган, панд-
насихат йўналишидаги шеърлар ҳам анча-мунча. Ен-
гил ва равон услуб, содда ва тушунарли тил, табиий ва
самимий ифода тарзи ҳаётий ҳодисалар ва шахсий ке-

чинмалар талқини билан уйғунлашиб, Бобур шеърятининг фавқулодда халқчиллиги ва бадий баркамоллигини таъминлаган.

Бобур ўз асарларининг мавзуини асосан ҳаётдан олди: у ўзи кўрган-билган, қалбидан ўтказган, ўзини тўлқинлантирган нарсалар, кечинмалар ҳақида қалам тебратади. Юрагини дастурхон каби ўқувчи олдиға ёзади: ҳеч нарсани яширмай, кўнглида борини тўкади.

Бобур шеърларининг ҳаётийлиги уларнинг ижодхонада эмас, балки ҳаёт қозонининг ичида туриб ижод қилинганлигидир. У бир умр одамлар орасида яшади, қизгин фаолият билан банд бўлди. Ҳатто ижод учун хилватга чекинишга ҳам ҳамиша вақт топавермаган. Шунинг учун бу шеърятда курашчан руҳ устувор. Умри курашда ўтган шоирнинг шеъри бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Албатта, унда умри илму ижод қолиб, тожу тахт ташвишида ўтаётганидан шикоят қилиш, ўз фаолиятдан қоникмаслик туйғулари, мағлубият онларидаги тушкунлик мотивлари ҳам учрайди. Лекин, бир бутун олганда, Бобур шеърятини неқбин ва курашчан шеърят.

Бобурни ўқувчи худди ўзининг яқин ҳамсуҳбати, сирдошидай қабул қилади. Чунки Бобур ўқувчи билан ўзини тенг тутиб гапиради, фазилатлари хусусида ўртоқлашибгина қолмай, қусурларини ҳам мардлик билан очиб ташлайди. Бундай очиқ-ойдин иқрор шоирни ўқувчига яқинлаштиради, уларни ўзаро қадрдон қилиб қўяди.

Бобур шеърларини ичдан нурлантириб турган энг муҳим хусусият бу — унинг беқийс даражадаги самимияти. Таъбир жоиз бўлса, замин ўз ўқи атрофидан айлангани каби Бобур шеърлари ҳам самимият атрофида айланади.

Бобур ҳаётнинг кўзига тик қарайди, тақдир зарбаларидан довдираб қолмайди, ҳар қандай шароитда курашиш учун ўзида куч топади. Кўргуликларни кўравериб, дийдаси қотиб кетган бу матонатли инсон ҳаёт шафқатсизликлари олдида даҳшатга тушмайди. Қисматнинг шафқатсиз қўли уни туғилган юртидан бадарға қилгани-

да табиатидаги туғма шижоат ва ирода туфайли у бегона юртларда жон сақлаб қолдигина эмас, балки уч асрдан ортиқ ҳукм сурган буюк бобурийлар салтанатига асос солди. Бундай узоқ муддат ҳукмронлик қилган сулолалар жаҳон тарихида жуда кам, Шарқ халқлари тарихида ку инчунин. Бобурнинг бетакрор шахсият сифатида бутун дунё аҳлини қизиқтириб келаётгани шундан. «Бобур Шарқ мамлакатлари тахтига ярашиб тушган ҳукмдорларнинг ёрқин намояндаларидан биридир. Унинг шахси олийжаноб инсон ва улуғ шоҳга мансуб бўлган фазилатлардан таркиб топган, — деб ёзади Уильям Эрскин. — Кечирган ҳаёти, жангу жадаллар ва саргузаштлар борасида авлодларидан ҳеч бири унинг тақдирини такрорлай олмади». Зеро, мард одам аввал ўзидан бошлайди. Шунинг учун ҳам Хайридин Султон: «Бобур — инсонлар ичида энг ростгўйидир», — деб лутф этган эди.

Бобурнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу «Вақоеъ»ни ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.

Қизи Гулбаданбегимнинг эътироф этишича, Амир Темур замонидан буён ўтган подшоҳлар ичида у каби беҳаловат шоҳ бўлмаган. Чиндан ҳам, ҳали болалигидаёқ тақдир уни балолар гирдобига отди. У бошидан кечирган қисмат синовлари бемалол ўнта одамга ҳам етиб ортади. Ҳаётнинг ҳар қанча машаққатлари бўлса, мардона енгиб ўтган, шум фалакнинг барча найрангларига сабот билан бардош берган, замонанинг кўпгина адолатсизликларини кўрган, одамларнинг жабру жафолари, хиёнатларига чидаган, шунга қарамай, деярли осуда умр кечирмасдан дунёдан ўтаётган бир инсон шундай дейишга минг карра ҳақли эди. Бошқа бир ғазалида бу фикр янада ривожланиб, кенгайиб, очиқ-ошкор тус олади:

Ҳар ёнғаким азм этсам, ёнимда борур меҳнат,
Ҳар сориким юзлансам, ўтрумға келур қайғу.

Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату ғам кўрган,
Осойише кам кўрган мендек яна бир борму?!

Лекин Бобур бағри кенг, меҳри дарё инсон бўлган:
ўзига ёмонлик қилганларнинг ҳам гуноҳидан ўтиб, қўли-
дан келганча уларга яхшилик кўрсатган. «Бобурнома»да
бу борада ёзилган кўплаб ёрқин мисолларни учратамиз.
Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишича: «Кимки жаҳонпаноҳ
даргоҳига илтижо қилган бўлса, подшоҳнинг инъомидан
баҳраманд бўлди ва фазл дастурхони неъматидан қуруқ
қолмади. Дарё мисол қўли билан саховат оламига эркин-
лик берди». Ҳиндистонни олиб, ҳинд подшоҳларининг
бой хазинасини қўлга киритганида-ку, нафақат жангда
қатнашганлар, қатнашмаганларни ҳам турли эҳсонлар
билан сийлайди; Самарқанд, Хуросон, Қашқар ва Ироқ-
даги қариндош-уруғларига совға-саломлар йўллайди; Са-
марқанд ва Хуросондаги машҳур шайхларга, ҳатто Макка
ва Мадинага назр-ниёзлар юборади. Ҳар тарафга чопар-
лар жўнатиб, қариндош-уруғлари, ота-боболарига хизмат
қилганлар, умуман, Темур ва Чингизхон авлодидан бўлган
барча кишиларни ҳузурига даъват этади. Худо бизга улуг
Ҳиндистон мамлакатини ато қилди, келинлар, то бу дав-
латни биргаликда бошқарайлик, дейди. Чунки у жаҳонда
фақат яхшилик пойдорлигига, одам боласидан фақат ях-
шилик қолишига ишонган. Шунинг учун ҳам барча элга
яхшилик қилки, бундан яхши нарса йўқ, токи дунёда
фалон кишидан яхшилик қолди, деб эл эслаб юрсин, де-
ган ақида билан яшаган:

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ —
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик!

Футувват (X асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуро-
сонда халқнинг оғирини енгил қилиш, золим ҳукмдор-
ларга қарши курашиш, уюшган ҳолда элу юртни ташқи

душманлардан ҳимоя этиш мақсадида пайдо бўлиб, ўзида халқ ичидан чиққан турли касб-ҳунар эгаларини бирлаштирган ҳаракат. Бу тоифа жавонмардлар, фатийлар, ахийлар, айёрлар деб ҳам юритилган — Э.О.) аҳли орасида яхшиликка яхшилик — ҳамманинг иши, ёмонликка яхшилик — мард кишининг иши деган машҳур ҳикмат бор. Ҳақиқий жавонмардликни амалда намойиш қилган мард ва танти, саховат ва шижоат соҳиби бўлган Бобур ҳам жавонмард ҳукмдорнинг ҳаётий тимсоли бўлган. Бинобарин, тақдири ҳар қанча оғир кечгани, замон ва одамлардан кўп жабру жафо кўрганига қарамай, Бобурнинг ёмонликка ёмонлик билан жавоб бериши мумкин эмас эди ва унинг бутун ҳаёти бунинг ёрқин исботидир.

Турмушнинг барча аччиқ-чучугини тотган, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган Бобурнинг кўпгина байтлари ҳикматдай жаранглайди. Лекин у атай насихат қилмайди, бу унинг ҳаётий кузатишлари ва хулосаларидан келиб чиқади. Айтайлик, агар ўз олдингга бирор-бир мақсад қўйиб, унга етишишни тиласанг, ғафлат уйқусидан уйғон, чунки мақсадга ким бедорроқ бўлса, ўша етишади деб теран ҳаётий ҳақиқатни халқона лўнда услуб ва содда тилда таъсирчан баён қилади:

Ғафлат уйқусидин уйғон гар тилар бўлсанг мурод —
Ким, етар мақсадга ҳар ким бўлса ул бедорроқ.

Бобурнинг ақидаси ва ҳаётий тажрибасига кўра ҳар ким қилмишидан топади: яхши одам ёмонлик қилиши мумкин эмас, ёмон кимсага эса яхшилик ҳайф; худди шундай вафо қилган вафо кўради, жафо қилган жафо. Бу фикрлар унинг шеърӣ ҳикмат даражасига кўтарилган куйидаги рубоийсида ўзининг ёрқин ифодасини топган:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиқ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Аслида ихчамлик, лўндалик, ўткирлик, тушунарлик ва таъсирчанлик ҳикматли сўзнинг асосий хусусиятлари бўлиб, Бобур ўз ҳикматларида бу талабларга ортиғи билан риоя қилган. Шоир қаламига мансуб мазмунан теран, бадиий баркамол ҳикматларнинг асрларни бўйлаб келгани ва бундан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаслиги сири шунда.

«Бобурнома» — XVI аср ўзбек насрининг бетакрор намунаси бўлиб, бу мемуар ва тарихий-илмий асар тахминан 1518—1530 йилларда ёзилган. «Бобурия», «Воқеоти Бобур», «Воқеаннома», «Тузуки Бобурий», «Табақоти Бобурий» ва «Таворихи Бобур» номлари билан ҳам машҳур. Бобурнинг ўзи «Вақоеъ» ва «Тарих» номлари билан тилга олган. Унда 1494—1530 йилларда Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистондаги воқеалар муаллиф ҳаёти ва фаолияти, унинг холис муносабати ва баҳоси билан боғлиқ ҳолда ўта аниқлик билан ёритиб берилган.

«Бобурнома»да баён қилинган воқеалар содир бўлиш ўрни ва вақтига кўра учга: Мовароуннаҳр (1494—1504), Афғонистон (1504—1524) ва Ҳиндистон (1525—1530)да Бобур ҳукмдорлик қилган даврга бўлинади. Биринчи қисмда 12 ёшли Бобурнинг Фарғона тахтига ўтириши (1494)дан бошланган, теурийлар ўртасида авж олган ўзаро урушлар (XV асрнинг 90-йиллари), Самарқанд тахти учун Шайбонийхонга қарши олиб борган жангу жадаллари (1497—1501) ва барча саъй-ҳаракатларининг беҳуда кетиб, Кобулга юз тутишигача (1504) бўлган воқеалар кенг ёритилади. Иккинчи қисм Кобулни забт этиб, бу ерда марказлашган давлат тузиш учун кураши, ички тартиб-интизом ўрнатиши, мамлакат тараққиёти ва ободонлиги учун олиб борган саъй-ҳаракатлари, Исмоил Сафавий билан иттифоқ тузиб, Самарқанд тахтини эгаллаши (1511), лекин шайбонийлардан енгилиб (1512), яна Кобулга қайтиши ва Ҳиндистон юришига тайёргарлик кўриши билан боғлиқ ҳодисаларни ўз ичига олади. Учинчи қисми эса Бобурнинг Панипат жангида Деҳли султони Иброҳим Лўдийни енгиб, Ҳиндистонни

эгаллаши, Рано Сангони маълубиятга учратиб, Шимол-лий Ҳиндистонни ҳам ўзига бўйсундиргани (1527) ва бобурийлар давлатини барпо этгани ҳақидаги маълумотлардан иборат.

«Бобурнома» тарихий-мемуар асари шоирга оламшумул шуҳрат келтирди. Унда XV аср охири — XVI аср бошларида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда кечган воқеалар, темурийлар салтанатининг инқироzi, шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келиши содда услуб, самимий руҳда ўзининг ҳаққоний ифодасини топган. Асарда Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбоний, Убайдуллоҳон, Шоҳ Исмоил Сафавий, Иброҳим Лўдий каби ўнлаб ҳукмдорлар, Алишер Навоий, Камолиддин Биноий, Беҳзод, Хондамир, Мирзо Ҳайдар сингари қатор адабиёт ва санъат намояндалари тўғрисида маълумот ва хотиралар келтирилган.

Қомусий характердаги бу асарда, шунингдек, Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон мамлакатлари тарихи, маданияти, табиати, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, шаҳар ва қишлоқлари, бу ерларда яшайдиган халқларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, диний эътиқод ва маросимлари, турли ижтимоий табақалар, ҳарбий санъат ва жанг қуроллари, турли фанларга оид кўпдан-кўп маълумотлар ва бошқалар ўрин олган. Айтайлик, асарда минггача географик ном — мамлакат, шаҳар, қишлоқ, қалъа, дашт, тоғ, довон, дара, дарё, кўприк, кечик, кўл, чашма, боғ, яйлов, ўтлоқ ва бошқа жойларнинг номлари тилга олинган. Юзлаб географик номлар тарихий ва луғавий жиҳатдан изоҳланган. Асарнинг илмий-танқидий матнини яратган япон олими Эйжи Мано бежиз уни «маълумотлар хазинаси» деб атамаган эди. У шоҳ асари «Бобурнома» билан жаҳоннинг энг машҳур муаррихлари сафидан жой олди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1530 йил 26 декабрда 47 ёшида Аграда вафот этади.

Бобур дастлаб Аградаги Боғи Нурафшонга дафн этилган. Жамна дарёсининг чап қирғоғида барпо этилган

бу боғ Агра марказидан 2,5 км. масофада бўлиб, ҳозир Ромбоғ деб аталади. Васиётига кўра, 1539 йили унинг хоки Кобулга — ўзи ихлос қўйиб обод қилган Назаргоҳ боғига кўчирилган (Кобул шахрининг Шердарвоза тоғи ёнбағридаги бу боғ ҳозирда Боғи Бобур деб аталади).

Кобулликлар Бобур мақбарасини муқаддас зиёратгоҳ деб биладилар. Ҳар йили 21 март куни — Наврўз байрамида аҳоли Боғи Бобурга келиб биринчи кўчатни ўтқазади — шаҳар аҳли учун кўчат ўтқазиш ҳафталиги шу боғдан бошланади. Кобулга келган киши Бобур мақбарасини зиёрат қилмай кетмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Бобур она юртида чинакам ҳурмат-эҳтиром топди. Андижонда «Боғи Бобур» барпо этилиб, бу ерда шоирнинг рамзий қабр-мақбараси, «Бобур ва жаҳон маданияти музейи» ташкил этилди. Шаҳар марказида ва боғда унинг ҳайкали ўрнатилди. Андижонда Бобур номида университет, театр ва кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Андижоннинг марказий кўчаларидан бирига, Тошкентдаги истироҳат боғи ва кўчага, Хонобод туманидаги истироҳат боғига ҳам улуғ ватандошимиз номи берилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Бобур номидаги медали таъсис этилган.

1993 йил 23 декабрда Халқаро Бобур жамғармаси ташкил этилиб, табиатшунос олим Зокиржон Машрабов раҳбарлигида у 10 дан ортиқ Шарқ мамлакатларига илмий сафарлар уюштириб, Бобур ва бобурийлар бўйича кўплаб янги маълумотлар тўплади, янги асарларни илмий жиҳатдан муомалага киритди, Бобур ҳақидаги қатор тадқиқотларга ҳомийлик қилди, бир неча илмий, ҳужжатли фильмлар яратилди. Бобуршунослик соҳасида мукофотлар таъсис этиб, Бобур ва бобурийлар бўйича тадқиқотлар олиб бораётган мутахассисларни тақдирлаб келмоқда.

*Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди*



ҲАЗАЛЛАР

Не кўрай тўбони¹ қадди хушхироминг борида?!
Не қилай сунбулни хатти мушкфоминг² борида?!

Ким Хизр³ суйин оғизлағай⁴ лабингнинг қошида?
Ким Масиҳ⁵ алфозидин⁶ дегай каломинг борида?!

Ошиқингни давлати васлинг била қил муҳтарам,
Ҳусн аҳли ичра мунча эҳтироминг борида.

Биздин айру доим эл бирла ичарсен бодани⁷,
Бизни ҳам гоҳи соғин шурби⁸ мудоминг борида.

¹ *Тўбо (Тўбий)* — жаннатдаги ранг-баранг мевали ва хушбўй серсоя дарахт.

² *Мушкфом* — мушк рангли, яъни қора.

³ *Хизр* — зулмат қаъридан оби ҳаёт — тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар. У одамларни мушкул аҳволдан қутқарадиган, уларга тўғри йўлни кўрсатадиган халоскор ва ошиқлар ҳомийси ҳисобланади.

⁴ *Оғизламоқ* — тилга олмоқ.

⁵ *Масиҳ* — Исо пайғамбар. Унинг қўли теккан — силаган ўликка жон кирар экан. Шунинг учун ҳам ул зот ал-Масиҳ — силовчи деб улуғланган. Нафаси ошиққа жон бағишлайдиган маъшуқага ҳам Масиҳ сифатини беришади.

⁶ *Алфоз* — сўзлар, иборалар, жумлалар.

⁷ *Бода* — май, шароб, маст қилувчи ичимлик. Бода ва унинг май, шароб каби маънодошлари тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади.

⁸ *Шурб* — 1) ичиш; 2) улуш, насиба.

Эй кўнгул, гар гайр сўзи захри қотилдур, не ғам,
Лабларидин шарбати юҳйил-изоминг¹ борида.

Тарки номус айлабон бадном бўлғил ишқ аро,
Ким сени ошиқ дегай номусу номинг борида?!

Бобур, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,
Бир навое рост қил мундоқ мақоминг борида².

* * *

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,
Келсун агар юзумни эвурсам³, бало манга!

Нетгаймен ул рафиқ билаким, қилур баса⁴
Меҳру вафо — рақибга, жавру жафо — манга.

Бегона бўлса ақл мени телбадин, не тонг,
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.

Оху ёшимдин ортадурур заъф, эй табиб,
Билдим ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.

Дардим кўруб, муолажада зоеъ этма умр —
Ким, жонда дарди ишқдурур бедаво манга.

То ёр кимни истару кўнглига ким ёқар,
Ташвиш бежиҳатдурур охир санго, манга.

Бобур, бўлубтурур икки кўзум йўлида тўрт,
Келса не бўлди қошима бир-бир манго манга.

¹ *Юҳйил-изом* — суякларни тирилтириш.

² Бу ерда *рост* сўзи икки маънода келаяпти: биринчиси — бир ҳақиқий наво қил, иккинчиси — «Шашмақом»нинг шўбаларидан бири.

³ *Эвуриш* — ўгириш, буриш; айлантириш.

⁴ *Баса* — кўп, ортиқ, зиёда.

Ёғлиғингким¹, жон била мен хастадурмен, зор анга,
Хаста жонлар риштасиндиндур магар ҳар тор анга?

Эврулур бошинггаю гоҳи юзунга юз қўяр,
Бу жиҳаттин от эмиш «гулпеч»у гаҳ «гулзор» анга.

Бир чамандур саҳниким, бўлғай бинафша сарбасар²,
Теграси гулзордурким, бўлмағай бир хор³ анга.

Ёғлиғинг токим юзу кўзунгга тегмиш, бордурур
Юз менингдек зору юз минг мен киби бемор анга.

Эй кўнгул, юз пора қилса ёр тиғи, ғам ема,
Лутф этиб, гар боғлар ўлса ёғлиғини ёр анга.

Кўнглум истар ёғлиғингни, балки андин бир насим
Етса Бобурга, эрур жон бирла миннатдор анга!

Ул парининг тиғидин кўрқутма мени, эй рақиб,
Ишқида бошимга менинг ҳар не келса, ё насиб!

Эврулуб бошингга, эй ой, қилмишам тарки ватан,
Раҳм қилгил мангаким, саргаштадурмен⁴ ҳам ғариб.

Телба бўлмоқлиғдин ўзга чорае йўқтур манга,
Ул парирў⁵ ногаҳон ар⁶ чиқса уйдин ёсаниб.

¹ Ёғлиғ — рўмол.


² Сарбасар — бошдан-оёқ, бутунлай.

³ Хор — тикан.

⁴ Саргашта — боши айланган, сарсон, овора.

⁵ Парирў (ў) — пари юзли, гўзал.

⁶ Ар — агар боғловчисининг қисқартирилган шакли.



Жонда беркитган ўқин чекмак¹ манга ранжедурур,
Қўйгил, ул ўқни чекай деб ранж чекма, эй табиб!

Бобуро, ҳаргиз² қулоқ шеърингга ул гул солмади,
Гулга не парвое, юз фарёд қилса андалиб³.

* * *

Эшикингга бош урармен телбалар янглиғ⁴ юруб,
Эй пари, йўл бер висолингғаки, кетмай бош уруб.

Сарв⁵ қаддинг борида ўз қаддини чун қилди васф,
Ўтқа ёқти боғбон сарви сиҳисин⁶ синдуруб.

Ўлтуруб эрди, қўпуб⁷ кетмакка чун азм айлади,
Ёна⁸ тиргузди⁹ мени, алҳамдулиллаҳ¹⁰, ўлтуруб¹¹.

Кўзлари сайд¹² айлар учун телба кўнглумни менинг
Қоши ёсини¹³ қуруб, кирпик ўқини тўлдуруб.

¹ *Чекмак* — бу ерда: тортмоқ, суғурмоқ, чиқармоқ.

² *Ҳаргиз* — ҳеч қачон, асло.

³ *Андалиб* — булбул.

⁴ *Янглиғ* — каби, сингари, ўхшаш.

⁵ *Сарв* — қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган иг-набаргли гўзал ва хушқомат дарахт: маҳбубанинг келишган зебо қадди-қоматини унга нисбат берадилар.

⁶ *Сарви сиҳи* — тик ва баланд сарв; мажозан: баланд бўйли маҳбуба.

⁷ *Қўпмоқ* — ўрнидан турмоқ.

⁸ *Ёна* — яна.

⁹ *Тиргузмоқ* — тирилтирмоқ.

¹⁰ *Алҳамдулиллоҳ* — Оллоҳга ҳамд бўлсин; Худога шукр.

¹¹ *Ўлтурум* — ўлдирмоқ.

¹² *Сайд* — ов, шикор.

¹³ *Ё* — ёй, камон.

То сабо¹ зулфини ул гулнинг паришон айлади,
Жон била ақлу кўнгулни елга бердим совуруб.

Топшуруб эрдим кўнгулни ёрға, чун борди ёр,
Ҳамдам эттим хаста кўнглумни Худога топшуруб.

Бўйнума занжири ғам, ё бўғзума тиғи ситам,
Ҳар не келса ишқ йўлида турубмен телмуруб.

Мен билурмен кўзи қотил, лаъли² жонбахш эрканин,
Чунки, Бобур, ҳажрида кўп йиғладим оғзим қуруб.

* * *

Гофил ўлма, эй соқий³, гул чоғин ғанимат тут!
Вақти айш эмас боқий, ол чоғир⁴, кетур, бот⁵ тут!

Бу насиҳатим тингла, не бўлур киши ёнгла⁶,
Не бўлур экин тонгла⁷, сең бу кун ғанимат тут!

Гофил ўлма давлатта, ўзни солма меҳнатта⁸,
Тангри берур албатта, давлат иста, ҳиммат тут!

¹ *Сабо* — Шарқдан эсадиган ёқимли шабада, тонг ели. Тасаввуфда руҳоний маъшуқ томонидан келадиган раҳмоний хушбўй насим. Шунингдек, сабо ошиқларнинг саҳарда чеккан оҳу ноласини Оллоҳга етказди, деб ҳисоблайдилар.

² *Лаъл* — қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош: маҳбубанинг чўғдай лабини унга нисбат берадилар.

³ *Соқий* деганда сўфийлар Оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, маъшуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб марҳаматидан баҳраманд этадилар.

⁴ *Чоғир* — май, шароб.

⁵ *Бот* — тез, дарров, шитоб, зуд.

⁶ *Ёнг* — янги; қайта.

⁷ *Тонгла* — 1) эртага; 2) қиёмат куни.

⁸ *Меҳнат* — 1) машаққат, қийинчилик; 2) ғам, дард; 3) бало.

Хуштуруп висоли ёр, анда бўлмаса дайёр¹,
Бўлса васл беағёр² давлату саодат тут!

Гам черики³ беҳаддур, чораси будур, Бобур:
Бодани кўмак келтур, жомни⁴ ҳимоят тут!

* * *

Эй юзи насрин⁵, қомати шамшод⁶,
Неча қилурсен жонима бедод?

Сен киби пуркор⁷, шеваси⁸ бисёр⁹,
Билмади, эй ёр, ҳеч киши ёд.

Жаврда нодир, зулмда моҳир,
Ишвада қодир, ғамзада устод.

Ёр ғамидин, ҳажр аламидин,
Сабр камидин нолаю фарёд!

Бобури бедил¹⁰, эй бути¹¹ қотил,
Жаврунга мойил, зулмунга муътод¹².

¹ *Дайёр* — соҳиб, уй эгаси.

² *Ағёр* — бегоналар, рақиблар, душманлар.

³ *Черик* — қўшин, лашкар.

⁴ *Жом* — қадаҳ, май пиёласи. Жом ва унинг маънодошлари тасаввуфда маърифат зиёсига лиммо-лим кўнгил маъносида келади.

⁵ *Насрин* — оқ хушбўй гул.

⁶ *Шамшод* — кичик ва хушбўй гулли, ҳамиша кўм-кўк яшнаб турадиган, хушқомат ва чиройли дарахт. Маҳбубанинг келишган қоматини унга нисбат берадилар.

⁷ *Пуркор* — ишчан, фаол.

⁸ *Шева* — 1) одат; 2) ҳунар; 3) ноз-ишва.

⁹ *Бисёр* — кўп, ортиқ, зиёда.

¹⁰ *Бедил* — ошиқ, гирифтор, мубтало.

¹¹ *Бут* — 1) санам; 2) маъшуқа.

¹² *Муътод* — ўрганган, одатланган.

Балои ишқки, ҳар дам манга жафоедур,
Бу ишқдин кеча олмон¹, ажаб балоедур.

Хати² лабиға³ тутош бўлса, эй кўнгул, не ажаб —
Ки, Хизр чашмаи ҳайвонга⁴ раҳнамоедур.

Ярар бу хаста кўнгул дардиға ўқин яраси,
Магарки ҳар яраси ёрнинг давоедур.

Баҳор фаслидуру май ҳавоси бошимда,
Аёқ⁵ тут манга, соқийки, хуш ҳавоедур.

Ул ой рақибға бўлди рафиқу Бобурнинг
Рафиқу ҳамдами ҳажрида оху воедур.

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шоду хуррамлар,
Манга юзу қошингдин⁶ айру байрам ойида ғамлар.

Менинг бу тори мў⁷ янглиғ танимға тоблар солди
Ул оининг юзида сунбул киби зулфидағи ҳамлар.

¹ *Олмон* — олмайман.

² *Хат (т)* — қизларнинг лаби устидаги майин туклар. Тасаввуф истилоҳида ғайб олами.

³ *Лаб* — сўфийлар истилоҳида маънавият олаmidан анбиёга малаклар воситасида, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган калом. Пирнинг илоҳий маърифатга кон сўзи ва унинг мазмуни ҳам кўзла тугилади.

⁴ *Чашмаи ҳайвон* — оби ҳаёт чашмаси.

⁵ *Аёқ* — май идиши, қадаҳ, жом, коса.

⁶ *Қош* — тасаввуфда илоҳий ва моддий олам чегараси. Пайвасталиги — Оллоҳ ва оламнинг ягоналигини, қайрилмалиги — сўфий дилидаги нафс ва кибрни, узун ва қалинлиги — ҳақ йўлининг узун ва мураккаблигини билдиради.

⁷ *Мў (и)* — соч, зулф.

Ҳавоға дуди¹ оҳин тутратур ишқ аҳли² ғайратдин³,
Сабо таҳрикидин⁴ ҳар гаҳ паришон бўлса парчамлар⁵.

Очилди зулфию хайлар⁶ намудор⁷ ўлди юзида,
Гул узра чун бўлур пайдо кеча очилса шабнамлар.

Мену кунжи⁸ ғаму оҳу фиғону ашки⁹ хунолуд¹⁰,
Не хушдур гўшаи холи, майи софию ҳамдамлар.

Кўнгулни ишқ бузди, не асиғ¹¹ панду насихатдин,
Менинг мажруҳ кўнглумга ярашмас ушбу марҳамлар.

Юзи наврўзи, васли ийдини¹², Бобур, ғанимат тут —
Ки, мундин яхши бўлмас, бўлса юз наврўзу байрамлар.

* * *

Очилиб икки сочи, юзига ёйилмишлар,
Ёруқ жаҳонни кўзумға қоронғу қилмишлар.

Чоғир бағир қонидур барча ишқ аҳлиға,
Зиҳи¹³ аларки, бу майдин даме ойилмишлар¹⁴.

¹ Дуд — тутун.

² Ишқ аҳли — ошиқлар, орифлар.

³ Ғайрат — рашк, ҳасад, қизғаниш.

⁴ Таҳрик — ҳаракат.

⁵ Парчам — бу ерда: соч, кокил.

⁶ Хай — тер томчиси.

⁷ Намудор — намоён, зоҳир.

⁸ Кунж — чет, бурчак.

⁹ Ашк — кўз ёши.

¹⁰ Хунолуд — қонга буланган.

¹¹ Асиғ (Осиғ) — фойда, наф, баҳра.

¹² Ийд — байрам, ҳайит

¹³ Зиҳи — нидо калимаси: қандай яхши, таҳсин, офарин.

¹⁴ Ойилмоқ — айрилмоқ.

Не қилсам, айлама, эй ёр, айбким, менда
Жунуну¹ ишқу йигитлик бори² қотилмишлар³.

Салоҳқа⁴ хирад⁵ аҳли мени ёвуқ⁶ дерлар,
Кўрунги, ушбу чечанлар йироқ ёнгилмишлар⁷.

Не суд⁸ ишқни элдин ёшурмоқ, эй Бобур,
Чу⁹ ҳолатингни бори олам аҳли билмишлар.

* * *

Хати — бинафша, хади¹⁰ — лола, зулфи райҳондур,
Баҳори ҳуснида юзи ажаб гулистондур.

Ики менги¹¹ ою доғи¹² юзу сўзи гулу мул¹³,
Қади равону тани жону ирни¹⁴ маржондур.

Қошида чину¹⁵ кўзида кину ангабин¹⁶ лабида,
Сўзида заҳр ва лекин тилида дармондур.

Қошингга кўп бора олмон, нетай, аролиқда,
Ёшим тишинг дуридин айру баҳри¹⁷ Уммондур.

¹ *Жунун* — ошиқлик, савдойилик, ўзидан беҳабарлик.

² *Бори* — барчаси, ҳаммаси.

³ *Қотилмоқ* — қўшилмоқ, омикта бўлмоқ.

⁴ *Салоҳ* — зуҳду тақво, ёмон ишлардан ўзни сақлаш.

⁵ *Хирад* — ақл, идрок, дониш. *Хирад аҳли* — донишмандлар, оқиллар.

⁶ *Ёвуқ* — яқин.

⁷ *Ёнгилмоқ* — бу ерда: янглишмоқ.

⁸ *Суд* — фойда, баҳра, наф.

⁹ *Чу* — чунки; агар; вақтики, модомики; ўхшаш, монанд.

¹⁰ *Хад* — юз, ёноқ.

¹¹ *Менг* — хол.

¹² *Доғи (Дағи)* — яна, тагин, ҳамда.

¹³ *Мул* — май, шароб.

¹⁴ *Ирн* — лаб.

¹⁵ *Чин* — чимирилиш, ажин.

¹⁶ *Ангабин (Анғубин)* — асал, бол.

¹⁷ *Баҳр* — азим дарё, денгиз.

Ўтумни тез этасен ҳар тарафга секретиб от,
Саманди¹ ноз инонини² бир бери ёндур³.

Не навъ васф қилай суратинг латофатини —
Ки, ҳуснунга сенинг, эй руҳ, ақл ҳайрондур.

Жафою жавр агар қилса, Бобуро, нетайин,
Не ихтиёр манга, ҳар не қилса, султондур.

* * *

Заъфдин гўё менинг бу зор жисмим нолдур⁴ —
Ким, онинг шарҳин демакта хома⁵ тили лолдур.

Заъфлиқ жисмим била бу нотаваон кўнглум аро
Дард ёр эрканга ушбу эгма қалдим долдур⁶.

Мен дамодам қон ютармен ҳажр аёғидин, нетай,
Ўзгаларнинг жоми васли гарчи молломолдур⁷.

Зулфиға вобастамен⁸, васлиға йўқдур дастрас⁹,
Эй хуш ул озодаким¹⁰, беқайду¹¹ фориғболдур¹².

Ул паридин мен нечук жон элтаменким, Бобуро,
Васли мушқил, ҳажри муҳлик¹³, ғамзаси қаттолдур.

¹ *Саманд* — от, тулпор, аргумоқ.

² *Инон* — жилов, тизгин, ихтиёр.

³ *Ёндур* — бу ерда: қайтар, бур.

⁴ *Нол* — қамиш.

⁵ *Хома* — қалам.

⁶ *Дол* — араб алифбосининг саккизинчи ҳарфи; мажозан: эгилган, букилган.

⁷ *Молломол* — тўла, лиммо-лим.

⁸ *Вобаста* — боғлиқ.

⁹ *Дастрас* — етишиш, эришиш.

¹⁰ *Озода* — дунёвий боғлиқликлардан қутулган, беғам, тарки дунё қилган, жавонмард, дарвеш.

¹¹ *Беқайд* — дунё ташвишларидан озод, эркин.

¹² *Фориғбол* — хотиржам, кўнгли тинч, беташвиш.

¹³ *Муҳлик* — ҳалокатли, ўлдирувчи.

* * *

Кўк вусмада ул ой қоши гўё хаёлдур,
Ё ой бошида кўкта кўрунган ҳилолдур.

Не навъ ўхшасун юзига офтобким,
Онинг заволи бордуру бу безаволдур.

Оғзию икки зулфу қадим бўлмаса манга,
Райҳону сарву гунча кўрардин малолдур.

Ушшоқ¹ оҳи елидин осиб² топмасун
Қаддингки, ҳусн боғида нозик ниҳолдур.

Кўнглумга дард келгали ҳам бўлди қоматим,
Қаддим магарки «дард» ёнидағи «дол»дур.

Гарчи вафою меҳрни билмас менинг ойим,
Лекин жафою жаврда соҳибкамолдур.

Ҳар неча беиноят эса ёр, Бобуро,
Сен қўйма хидматингни-ю, они уёлдур.

* * *

Кўнглумни чу ул пари олибтур,
Девона³ бўлурға не қолибтур?!

Бедил эканимни эмди билгай,
Чун бир киши кўнглини олибтур.

Кўнглумни олиб, тағофулин⁴ кўр,
Билмасга ўзини не солибтур.

¹ Ушшоқ — ошиқлар.

² Осиб — зиён, зарар, кулфат.

³ Девона — ишққа ошиғу ҳайрону сарганшта бўлган ва сулук-ка мансуб киши. Ошиқнинг мағлубияти девоналик дейилади.

⁴ Тағофул — бепарволик, ўзни билмасликка солиш.

Зулфунг черигини йиғки, жамъи
Бу фитнадин асру¹ кўзғолибтур.

Бобур, неча кун кўнгулни хуш тут,
Бу олам иши чун мунқалибтур².

* * *

Васлин ул ой манга муҳол қилур,
Ҳажридин мени хастаҳол қилур.

Билмайин ҳолатимни ул бемехр,
Ўзгалардек мени хаёл қилур.

Ол³ юзи кўз ёшимни қон қилди,
Кўргач-ўқ⁴ деб эдимки, ол қилур.

Сарфароз⁵ этса даҳр⁶, шод ўлма,
К-охир ул-амр поймол қилур.

Мен киму зуҳду⁷ тавбаким, зоҳид⁸
Неча андишаи маҳол қилур.

Тавба ишин буюрма Бобурға —
Ким, бу ишни ўшал ўсол⁹ қилур.

¹ *Асру* — 1) жуда кўп, беҳисоб; 2) тез, қаттиқ.

² *Мунқалиб* — тескари.

³ *Ол* — қизил, тўқ қизил.

⁴ *Ўқ* — кучайтириш юкламаси.

⁵ *Сарфароз (Сарафроз)* — юксак, баланд, мағрур.

⁶ *Даҳр* — 1) дунё, олам; 2) давр, замон; 3) ҳаёт.

⁷ *Зуҳд* — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик, парҳезкорлик, порсолик.

⁸ *Зоҳид* — узлат ва тақвони касб қилиб олиб, дунё лаззатидан юз ўтирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфондан беҳабар бўлиб, мақсади тақво билан охират мағфиратини қозониш, Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганлиги учун зоҳидларнинг бу ишини тамагирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни танқид қиладилар.

⁹ *Ўсол* — ўсал, ёмон.

Мендин ўзга хасталарга лаълидин дармон берур,
Мен берурмен жону ул умр ўзгаларга жон берур.

Ошиқи мен, ул қилур ағёрга маҳбублуқ,
Дардманди мен, вале ул ўзгага дармон берур.

Ўқида пайкон¹ эмас, бир қатра ҳайвон суйидур²,
Етгач-ўқ жонсиз танимга жон ўшал пайкон берур.

Қон ёшимни ҳажрида, шеъримни васфида кўрунг —
Ким, бу янглиғ дурру гавҳар қайси баҳру кон берур.

Бўлгали қаддиға мойил васлидин маҳруммен,
Бобуро, ул ҳусн нахли³ бар⁴ магар ҳирмон⁵ берур.

Қаро зулфунг⁶ фироқида паришон рўзгорим⁷ бор,
Юзунгнунг иштиёқида не сабру не қарорим бор.

Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ямон қилди, мен ондин бир сўрорим бор.

¹ *Пайкон* — ёй ўқлари, ёй ўқларининг учи; мажозан: киприк.

² *Ҳайвон суйи* — оби ҳаёт, тириклик суви, оби ҳаёт, оби бақо, зулоли ҳайвон, Хизр суви, Хизр чашмаси номлари билан юритиладиган мангулик суви. Оби ҳаёт тасаввуфда саъй-ҳаракат билан эришиб бўлмайдиган, Оллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандаларига бериладиган ладуний (илоҳий) илм маъносида келади.

³ *Нахл* — ниҳол, дарахт.

⁴ *Бар* — ҳосил, мева.

⁵ *Ҳирмон* — маҳрумлик, бенасиблик, ажралиб қолиш.

⁶ *Зулф* — соч, аёлларнинг икки чаккасидаги жамалаги, кокили. Тасаввуфда у бир неча маънода келади: идрокига ҳеч ким қодир бўлмаган илоҳий моҳият; куфр зулмати; йўқлик олами; ваҳдат мартабаси ва ҳоказо. Зулфнинг ҳалқалиги — илоҳий сирлар, узунлиги — оламнинг чексизлиги, беқарорлиги — оламнинг ўзгарувчанлиги рамзи.

⁷ *Рўзгор* — 1) давр, замон; 2) тақдир, қисмат; 3) турмуш, ҳаёт.

Жаҳондин манга ғам бўлса, улусдин¹ гар алам бўлса,
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғамгусорим² бор.

Агар муслиҳмен³, ар муфсид⁴ ва гар ошиқмен, ар обид⁵,
Не ишинг бор сенинг, зоҳид, менингки ихтиёрим бор.

Фигоним ошти булбулдин, ғами йўқ зарра бу қулдин,
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгулда хорхорим⁶ бор.

* * *

Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райҳонидур,
Гунча сиррин очқон ул икки лаби хандонидур.

Ул мусалсал⁷ икки зулфи гул юзининг даврида⁸,
Гул уза ағнар, магар ул иккининг давронидур.

Ўқи захмини кўруб ҳар ён танимда, эл дегай —
Ким, бу кўҳи⁹ дарднинг ул лолаи нуъмонидур¹⁰.

Сел эмасдур ер юзин тутқон — кўзумнинг ёшидур!
Раъд¹¹ эмасдур қўкка чирмашқон — кўнгул афгонидур!¹²

¹ Улус — халқ, эл, омма.

² Ғамгусор — ғамни кетказувчи, кўнгилни очувчи, ғамхўр, меҳрибон.

³ Муслиҳ — хайрихоҳ, сулҳга келтирувчи.

⁴ Муфсид — бузуқи, бадкор.

⁵ Обид — тоат-ибодат қилувчи, художўй.

⁶ Хорхор — ғам, қайғу, безовталик.

⁷ Мусалсал — ҳалқа-ҳалқа, бир-бирига уланган.

⁸ Даврида — бу ерда: теграсида, атрофида.

⁹ Кўҳ — тоғ.

¹⁰ Лолаи нуъмон — қизил лола.

¹¹ Раъд — момақалди роқ.

¹² Афгон — фиғонлар, нолалар, фарёдлар.

Ложарам¹, бўлғай паришону ҳавойи мен киби
Зарра янглиғ кимки бир хуршид² саргардонидур.

Ул пари ишқида, Бобур, кўнглум андоқ телбадур —
Ким, сочи занжиридур, чоҳи зақан³ зиндонидур.

* * *

Менинг кўнглумки, гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ⁴ қондур,
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур.

Агар ул қоши ёсиз боғ гаштин орзу қилсам,
Кўзумга ўқдурур сарву кўнгулга гунча пайкондур.

Баҳору боғ сайрин не қилайким, дилситонимнинг⁵
Юзи — гул, зулфи — сунбул, қомати сарви хиромондур⁶.

Висоли лаззатидин руҳ топмоғлиқ эрур душвор⁷,
Фироқи шиддатида йўқса жон бермаклик осондур.

Бошидин эврулур⁸ армони бирла ўлдум, эй Бобур,
Менинг наъшимни⁹ бори ул пари кўйидин айлондур.

¹ *Ложарам* — шунинг учун, албатта, шубҳасиз.

² *Хуршид* — қуёш, офтоб.

³ *Чоҳи зақан (Занахдон)* — ияк чуқурчаси.

⁴ *Таҳ-батаҳ* — қаватма-қават.

⁵ *Дилситон* — дилни олувчи, кўнгилни ўзига асир қилувчи; маҳбуба, маъшуқа.

⁶ *Сарви хиромон (Сарви равон)* — хиром айлайдиган сарв, яъни гўзал юришли маҳбуба.

⁷ *Душвор* — қийин, оғир, мушкул.

⁸ *Эврилмоқ* — айланмоқ.

⁹ *Наъш* — тобут; жасад.

Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушқилдур,
Сенинг бирла чиқишмоғлиқ доғи бисёр мушқилдур.

Мизожинг нозику сен — тунду¹, мен — бир беадаб телба,
Санга ҳолимин қилмоқ, эй пари, изҳор мушқилдур.

Не осиф нолаю фарёд хоболуд² бахтимдин,
Бу унлар бирла чун қилмоқ ани бедор мушқилдур.

Манга осондурур бўлса агар юз минг туман³ душман,
Вале бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул, беёр мушқилдур.

Висолинким тиларсен, нозини хуш тортғил, Бобур —
Ки, олам боғида топмоқ гули беҳор⁴ мушқилдур.

Ичгуча жоми ажал кўнглумда ул соқи(й)дурур,
Тўлғуча паймонам⁵ ул соқи(й) била боқи(й)дурур.

Бош кўтармон бодадин чун бор аёғи ўртада,
Қўймон илкимдин⁶ аёқ чун жилвагар соқи(й)дурур.

Эгма қаддим айб қилма қоши ёлар ишқида,
Янги ойдек хам бўлур гар худ⁷ фалак тоқидурур.

¹ *Тунд* — тез, шиддатли; асов; ўткир, аччиқ; газабли.

² *Хоболуд* — уйқусираган; нозли, карашмали.

³ *Туман* — ўн минг; мажозан: беҳисоб.

⁴ *Беҳор* — тикансиз.

⁵ *Паймона* — қадах, май косаси.

⁶ *Илик (Илиг)* — қўл.

⁷ *Худ* — худди, ўзи.

Ул ҳилолинг¹ бирла хуршидинг сифотин ёзғали
Мухтасардур² филмасал³ гар чарх авроқидурур⁴.

Ишқ ила майдин кўнгулни тутмоғинг не судким,
Дард нафъидур нечукким, заҳр тарёқидурур⁵.

Турклар хатти насибинг бўлмаса, Бобур, не тонг⁶,
Бобурий хатти эмасдур, хатти сиғноқи(й)дурур.

* * *

Ёрдин озор кўнглум ичра беҳад бордур,
Эй хуш ул кўнгул, анга не ёру не озордур.

Йўқтурур гар ёр — йўқтур тоқату сабру шикеб⁷,
Ёр агар бордур, жафою жавру меҳнат ёрдур.

Неча кўрсатсам вафою меҳр, этар жавру жафо,
Нечаким мен зормен, мендин ул ой безордур.

Кўзи⁸ ҳажрида, юзи⁹ ёдида, сўзи шавқида¹⁰,
Хотирим афгору¹¹ жисмим зору кўз хунбордур¹².

¹ *Ҳилол* — уч кунлик ой; мажозан: маҳбубанинг маъсум ва гўзал чеҳраси; қайрилма қоши.

² *Мухтасар* — қисқа.

³ *Филмасал* — гўё, масалан, фаразан.

⁴ *Авроқ* — варақлар, саҳифалар.

⁵ *Тарёқ (Тарёк)* — заҳарни дафъ қиладиган дори.

⁶ *Нетонг* — не ажаб.

⁷ *Шикеб* — сабр, тоқат; ором, тинчлик.

⁸ *Кўз* — комил инсон тимсоли. Чунки у фақат ўзгаларни кўради-ю, ўзини кўрмайди. Кўзни севиш орқали илоҳий жамолни севиш ифодаланади.

⁹ *Юз* — тасаввуфда илоҳиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чеҳраси.

¹⁰ *Шавқ* — Ҳақ ва солиқ ўртасидаги яқинликнинг кучайиши, иштиёқ ва истак ғалабасидан қалбнинг сурурга тўлиши.

¹¹ *Афгор (Фигор)* — мажруҳ, эзилган.

¹² *Хунбор* — қон йиғловчи.

Сенда, Бобур, йўқ гунаҳ, ёрнинг итоби¹ кам эмас,
Журмсиз² доим итоб айлар — ажаб дилдордур.

* * *

Юзида ул лаби хандон кўрунур,
Сутга кўп боқса, бале, қон кўрунур.

Хатти мушкинмудурур гул юзида,
Ё суман³ устида райҳон кўрунур?

Кўрмагай хотирини жамъ ўзга,
Кимга ул зулфи паришон кўрунур.

Ишқни эл не хаёл айлабдур,
Асру мушкилдур — осон кўрунур.

Сарв бўйлуқ санаминг, эй Бобур,
Рост айтай, сўзи ёлғон кўрунур.

* * *

Баҳор айёмидур, доғи йигитликнинг авонидур⁴,
Кетур, соқий, шароби нобким⁵, ишрат замонидур.

Гаҳи саҳро узори⁶ лола шаклидин эрур гулгун⁷,
Гаҳи саҳни чаман гул чехрасидин арғувонидур⁸.

¹ *Итоб* — маломат, таъна; қаҳр, қазаб. Тасаввуфда икки маънода келади: маъшуқанинг ошиққа ва ошиқнинг ўз нафсига итоб айлаши.

² *Журм* — айб, гуноҳ.

³ *Суман* — хушбўй оқ гул, ёсмин.

⁴ *Авон* — вақт, замон, мавсум.

⁵ *Шароби ноб* — тоза, тиниқ шароб.

⁶ *Узор* — юз, чехра, жамол.

⁷ *Гулгун* — гулранг, пуштиранг, қизил.

⁸ *Арғувон* — гуллари ниҳоятда қизил бўладиган дарахт; мажозан: қизил ранг.

Яна сахни чаман бўлди мунаққаш¹ ранги гуллардин,
Магарким сунънинг наққошига² ранг имтиҳонидур.

Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур, чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараҳхум³ айлагилким, анда жонидур.

* * *

То узулди кўнглум ул ой қаддидин афсурдадур⁴ —
Ким, узулган ғунча гулнинг шохидин пажмурдадур⁵.

Кўксум ичра таҳ-батаҳ қонни бағир қилманг хаёл —
Ким, анинг ишқин йўлида бир таҳ⁶ этган гурдадур⁷.

Ҳусн кўрмас кўзларим, кўнглум доғи ишқ истамас,
Ўйёким кўзларимдур кўру кўнглум мурдадур.

Тан ҳижобин⁸ рафъ⁹ қил, гар ёр васлин истасанг,
Эй кўнгул, билким, арода ҳойил¹⁰ ушбу пардадур.

Борму эркин ишқ элинда, балки олам аҳлида
Мунча чоелиғ ҳасрату андуҳким Бобурдадур?!

¹ *Мунаққаш* — нақшланган, зийнатланган.

² *Сунъ наққоши* — Худо.

³ *Тараҳхум* — раҳм қилиш, шафқат этиш.

⁴ *Афсурда* — эзилган, сўлғин, тушкун, ғамгин, хаста.

⁵ *Пажмурда* — эзилган, хаста.

⁶ *Таҳ* — тағ, паст.

⁷ *Гурда* — буйрак.

⁸ *Ҳижоб* — парда. Тасаввуфда Ҳақ ва банда, ошиқ ва маъ-
шуқ ўртасидаги тўсиқларга ишора қилинади.

⁹ *Рафъ* — юксалиш, кўтарилиш.

¹⁰ *Ҳойил* — тўсиқ, монеълик қилувчи.

* * *

Гурбатта ул ой ҳажри мени пир¹ қилибтур,
Ҳижрон била гурбат менга таъсир қилибтур.

Мақдур² боринча қилурам саъйи висолинг,
То Тенгрини билмонки, не тақдир қилибтур.

Тақдирдур ул ёну бу ён солғучи, йўқса,
Кимга ҳаваси Санбалу Татйир³ қилибтур?

Бу Ҳинд ери ҳосилидин кўп кўнгул олдим,
Не судки, бу ер мени дилгир⁴ қилибтур.

Сендин бу қадар қолди йироқ — ўлмади Бобур,
Маъзур тут, эй ёрки, тақсир⁵ қилибтур.

* * *

Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек сенга бир зори вафодор топилмас.

Бу шаклу шамоийил била худ ҳуру парисен —
Ким, жинси башар ичра бу миқдор топилмас.

Ағёр кўз олидаю ул ёр аён йўқ,
Ғам хори кўнгул ичраю ғамхор⁶ топилмас.

Эй гул, мени зор этмаки, ҳуснунг чаманида
Кўзни юмуб-очқунча бу гулзор топилмас.

Бобур, сени чун ёр деди — ёрлиғ этгил,
Оламда кишига йўқ эса ёр топилмас.

¹ *Пир* — қари, кекса.

² *Мақдур* — қувват, имконият.

³ *Санбалу Татйир* — Ҳиндистондаги жойлар номи.

⁴ *Дилгир* — юракни сиқадиган, ғамгин.

⁵ *Тақсир* — сустлик.

⁶ *Ғамхор* — ғамхўр, меҳрибон.

Қўй, эй оқил, насиҳат сўзларинким, дилписанд¹ эрмас,
Менинг девона кўнглумга насиҳат судманд² эрмас.

Неча девона кўнглумни қилурсен нафй³, эй оқил,
Агарчи телбадур, бори сенингдек худписанд⁴ эрмас.

Қилурсен талх⁵ айшим комини беҳуда сўзлардин,
Саросар⁶ сўзларинг захредур, эй носихқи⁷, панд эрмас.

Бўлубмен бир парининг анбарин сочиға вобаста,
Мени телбага эмди ҳожати занжиру банд эрмас.

Жаҳонда кўп гадо гарчи лавандатворлиқ⁸ бордур,
Ва лекин, Бобуро, ҳаргиз сенингдек шах лаванд⁹ эрмас.

Ул ойнинг иттифоқи нифоқиға арзимас,
Айёми васли шоми фироқиға арзимас.

Бу даҳр ичра бистари¹⁰ роҳат тиларни қўй,
Ул фарш¹¹ чун бу кўҳна равоқиға арзимас.

¹ *Дилписанд* — кўнгилга хуш келадиган, ёқимли, мақбул.

² *Судманд* — фойдали.

³ *Нафй* — рад этиш, инкор қилиш.

⁴ *Худписанд* — худбин, мутакаббир.

⁵ *Талх* — аччиқ.

⁶ *Саросар* — бошдан-оёқ; ҳаммаси, тўла.

⁷ *Носих* — насиҳатгўй.

⁸ *Лавандатвор* — бўшангтабиат, ялқов феъли.

⁹ *Лаванд* — ялқов, танбал, дангаса.

¹⁰ *Бистар* — тўшак, ётар жой, кўрпа-тўшак, ўрин.

¹¹ *Фарш* — тўшак, гилам, палос.

Айшеки ўтти — ўзга ани зикр айлама,
Ҳар нимаики йитти — сўроқиға арзимас.

Қилмоқ умиду бийм¹ ила хидмат шаҳ олида,
Дарбонининг² сўқунчу таёқиға арзимас.

Бобур, висолни не тиларсен, чу ҳажр бор,
Бир лаҳза айши меҳнати боқи(й)ға арзимас.

* * *

Олди кўнглумни, соғиндимким³, манға дилдор эмиш,
Билмадим, бу навъ мендин ул пари безор эмиш.

Ошиқ ўлғоч, кўрдум ул шамшод қаддин юз бало,
Оллоҳ-Оллоҳ, ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш!

Илтифот этмаслигин бозий⁴ хаёл айлар эдим,
Эмди билдимким, анга мендин бу янглиғ ор эмиш.

Ул пари ишқида йўқ ўлмоқдин ўзга чорае,
Чун ўзи — қотил, сўзи — муҳлик, кўзи — хунхор⁵ эмиш.

Ҳусн аҳли, эй кўнгул, олам аро ишқ аҳлининг
Кўнглини соҳлар эмиш, ҳар кимгаким, дилдор эмиш.

Ул вафосиз ёрдин чекмак не, яъни мунча ғам,
Ҳусн аҳли, чунки, Бобур, дунёда бисёр эмиш.

¹ *Бийм* — хавф, хатар, ваҳима, қўрқинч, таҳлика.

² *Дарбон* — эшикоға, посбон.

³ *Соғинмоқ* — бу ерда: ўйламоқ, ҳисобламоқ.

⁴ *Бозий* — алдов, фириб, ҳийла.

⁵ *Хунхор* — қон тўқувчи.

Неча даврон ғуссаси бўлғай менинг жонимга хос,
Кошки ўлсам, доғи бу ғуссадин бўлсам халос!

Оху вовайло¹ — сурудум², дарду ғам — ҳамсухбатим,
Бода — ашким қони, ким кўрди мунингдек базми хос?

Гар шикастим³ бўлса суст ағёрдин, таън этмангиз —
Ким, шикастига сабаб олмоснинг бордур расос⁴.

Ошиқ ўлғоч, беҳуду⁵ девона бўлдум, билмадим —
Ким, парирухсоралар ишқиға бу эрмиш хавос⁶.

Хўбларни⁷ кўз кўруб, қон қилди Бобур бағрини,
Эмди кўздин қон тўкарменким, будур анга қасос.

Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?
Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ!

Гар замонни нафй қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиғ!

Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнглума,
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру кўп,
Эмди кўз тутмақ не, яъни ҳар ямондин яхшилиғ?

¹ *Вовайло* — афсус, аттанг, эй воҳ.

² *Суруд* — қўшиқ, ашула, оҳанг.

³ *Шикаст* — синиқ, мажруҳ, енгилиш, мағлубият.

⁴ *Расос* — қалай, металл тури.

⁵ *Беҳуд* — ўзидан беҳабар. Сукр ва ошиқлик мақоми.

⁶ *Хавос* — 1) хосиятлар, хусусиятлар; 2) хос кишилар, улуг зотлар.

⁷ *Хўблар* — яхшилар; гўзаллар.

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ —
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ!

Яхшилиғ аҳли жаҳондин истама Бобур киби,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

* * *

Сўрма ҳолимники, бўлдум бурноғидин¹ зорроқ,
Жисм жондин зору жоним жисмдин афгорроқ.

Банда тақрир² айлай олмон банд-бандим дардини,
Юз темур банд ўлса, ондин бу эрур душворроқ.

Масту беҳудлуқ била умрунгни ўткардинг, дариг³,
Эй кўнгул, мундин бери бўл бир нима ҳушёрроқ.

Фафлат уйқусидин уйғон гар тилар бўлсанг мурод —
Ким, етар мақсадға ҳар ким бўлса ул бедорроқ.

Ўлғали еттим, менинг жоним ғамин е, эй рафиқ,
Даҳр аро чун йўқ киши сендин менга ғамхорроқ.

Келмас ўхшар заҳматинг ислоҳға, Бобур, магар,
Ҳар давоким қилдилар, бўлдунг тақи⁴ беморроқ.

* * *

Ёр юзумни кўруб, дарду ғамим билса керак,
Юз кўруб, дарду ғамим чорасини қилса керак.

Эй сабо, жону кўнгулни ўзининг чун қилди,
Кўнгли бирла дегасен, жони учун келса керак.

¹ *Бурноғи* — олдинги, аввалги.

² *Тақрир* — бу ерда: баён қилиш, сўзлаш.

³ *Дариг* — афсус, надомат.

⁴ *Тақи* — яна, тагин.

Васлини не қилайин — гайрдин айрилмади ҳеч,
Ёр васли менга, у ағёрдин айрилса керак.

Васлининг қадрини чун билмади бу телба кўнгул,
Ҳажрининг тиғи онинг юрагини тилса керак.

Шукр, Бобурни билурмен, деган эрмиш ул ой,
Ложарам, бандаларин шоҳлари билса керак.

* * *

Бир пари мен телбани ҳусниға мойил қилғудек,
Кўзум ичра ер тутуб, кўнглумда манзил қилғудек.

Кўнглуму кўзум юзиға волаю¹ ҳайрон бўлуб,
Жонима юз минг ғаму меҳнатни ҳосил қилғудек.

Нотавон кўнглумға ишқи қайғуни келтургудек,
Айшу ишратни кўнгулдин қайғу зойил² қилғудек.

Қилмади Фарҳоду Мажнун ўзни расво мен киби —
Ким, бу навъ иш иш эмастур ҳеч оқил қилғудек.

Ул пари ишқида Бобур жон бериб, эй аҳли ишқ,
Ишқ атворини³ ишқ аҳлиға мушкил қилғудек.

* * *

Чиқса куёш фалакка, сен отқа чиққанингдек,
Бўлғайму ул сенингдек, ул бири тавсанингдек?⁴

Кўксумни чунки ёрдинг, киргил кўнгулгаким бор —
Ул ёра⁵ эшигингдек, кўз анда равзанингдек⁶.

¹ *Вола* — мафтун, шайдо.

² *Зойил* — йўқолувчи, йўқ бўлувчи.

³ *Атвор* — бу ерда: йўл; расм, одат.

⁴ *Тавсан* — ўйноқи, шўх, асов арғумоқ.

⁵ *Ёра* — яра, жароҳат, захм.

⁶ *Равзан* — туйнук, дарча, тешик.

Гар сийм¹ барги гулни қилса либос ўзига,
Бўлғайму, эй гуландом, кўнглак била танингдек?

Ул ёр ҳазратинда² бисёр яхшидур ғайр,
Мен ҳам ямон эмон³, лек, яхши эмон анингдек.

Даъвийи ишқ этиб, ғайр, Бобурни айб қилма —
Ким, мен эдим санингдек, сен бўлғасен манингдек.

* * *

Ўзни, кўнгул, айш ила тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Айшу тараб⁴ гулбунига⁵ сув бериб,
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.

Тийрадурур⁶ зуҳд дамидин кўнгул,
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.

Ҳар нимаға ғам ема — ғам кўптурур,
Айш била ўзни овутмоқ керак.

Қўйма машаққат аро, Бобур, кўнгул,
Ўзни фароғат била тутмоқ керак.

¹ *Сийм (сим)* — кумуш; мажозан: пул, танга; оқлик, оқ бадан.

² *Ҳазратида* — ҳузурида, даргоҳида.

³ *Эмон* — эмасман.

⁴ *Тараб* — шодлик, хурсандчилик, айшу ишрат.

⁵ *Гулбун* — гул, гул тупи.

⁶ *Тийра* — 1) қора, қоронғи; 2) хира, нурсиз; 3) қайғули.

Қайси бир озорин айтай жонима ағёрнинг?
Қайси бир оғритқонин кўнглумни дей дилдорнинг?

Қайси бир бераҳлиғини¹ толеъи гумроҳнинг?
Қайси бир кажравлиғини² чархи кажрафторнинг?³

Қайси ҳасрат бирла армонин вафосиз васлнинг?
Қайси меҳнат бирла ранжин фурқати хунхорнинг?

Гурбат ичра, эй кўнгул, элдин вафо истарни қўй,
Чун вафосин кўрмадинг ҳаргиз диёру ёрнинг.

Бобур, ул гул жавр этар, ағёрдин не яхшилиғ?
Гулнинг озори бу бўлса, ваҳ, не бўлғай хорнинг?

Кимки, бўлғай сен киби оламда дилдори анинг,
Ҳар қаён азм айласа, бўлғай Худо ёри анинг!

Кўйидин мен азм этармен — қолғудектур хотирим,
Хотиримни сахласа, Тенгри ниғаҳдори⁴ анинг!

Келдим эрса, келмади ҳаргиз анинг кўнглига раҳм,
Бордим, аммо бормади кўнглумдин озори анинг.

Ул қуёшдин не асиг чекмак жафою жаврким,
Майли йўқтур заррае меҳру вафо сори анинг.

Борғай эрдим бош ила кўйига, найлай, Бобуро,
Ҳар қачон борсам эшигига, келур ори анинг.

¹ *Бераҳ* — йўлсиз, йўлини йўқотган, гумроҳ.

² *Кажрав* — тескари юрувчи, чаппа айланувчи; мажозан: маккор, ҳийлагар.

³ *Кажрафтор* — эгри юрувчи; мажозан: маккор, ҳийлагар.
Чархи кажрафтор — тескари айланувчи фалак.

⁴ *Ниғаҳдор* — паноҳ, посбон.

Телба кўнглумким, сенинг чангингдадур, ёд айлагил,
Бир навозиш¹ бирла кўнглумни менинг шод айлагил!

Ишрат ичра ҳар қачонким, чанг олсанг илкинга,
Фурқатингда қолгон эгри қоматим ёд айлагил.

Соз айлаб бир нишотангез² чанг, эй дилрабо,
Бенаво³ кўнглумни ғам чангидин озод айлагил.

Мажлис ичра чанг бирла тортиб овоз, эй пари,
Сабру ҳушим жузву⁴ авроқини барбод айлагил!

Чангда ҳар кун чолур ёринг чу йўқтур, Бобуро,
Ерга бош чалмоқ била ўзунгни муътод айлагил.

Не фикреким, сенинг фикринг эмас — ул фикр эрур ботил,
Не умреким, ўтар сенсиз — эрур ул умр беҳосил!

Таолаллоҳ⁵, не кўзу қошдурурким, ҳар қачон кўрсам,
Гаҳи кўнглум бўлур беҳуд, гаҳи ақлим бўлур зойил.

Жафою жавр тавридин⁶ эрурсен асру кўп воқиф,
Вафою меҳр расмидин бўлурсен асру кўп ғофил.

¹ *Навозиш* — илтифот, шафқат.

² *Нишотангез* — хурсандчилик бағишловчи.

³ *Бенаво* — ғариб, нотаваон, маҳрум.

⁴ *Жузв* — бўлак, қисм. *Жузву авроқ* — бутуну бўлак; мажозан: бору йўқ.

⁵ *Таолаллоҳ* — энг улуғ ва олий Оллоҳ.

⁶ *Тавр* — 1) усул, одат; 2) йўл, тартиб, равиш.

Қуёш янглиғ юзунгга мендурурмен волаю хайрон,
Янги ойдек қошингга мендурурмен ошиқу мойил.

Кечурдинг ою йилни масту бехудлиқ била, Бобур,
Неча гафлат била умр ўткарурсен, неча кун ойил?¹

* * *

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор² топмадим.

Жонимдек ўзга жонни дилафгор³ кўрмадим,
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук⁴ кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Ночор фурқати била ҳўй⁵ этмишам, нетай,
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Боре бораи эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни, мунча қилиб, ёр топмадим.

* * *

Сенинг ишқингда, эй номехрибон, бехонумон⁶ бўлдум,
Демон бехонумон, оввораи икки жаҳон бўлдум.

¹ *Ойилмоқ* — бу ерда: ўзига келмоқ.

² *Асрор* — сирлар.

³ *Дилафгор* — дили хаста, кўнгли вайрон.

⁴ *Усрук* — маст, сархуш.

⁵ *Ҳўй* — одат, феъл, табиат, характер.

⁶ *Бехонумон* — уй-жойсиз, бечора, сарсон-саргардон.

Лабинг гар бермаса бўса¹, нечук жон элта олғайман,
Бу йўлдаким, адам² саҳросига эмди равон бўлдум.

Сўруб ул ой лабининг, оғзининг³ рамзини англадим,
Бир оғиз сўз била, кўрунги, мунча хурдадон⁴ бўлдум.

Нечаким, қоши ёлар ишқида тузлукни⁵ кўрсаттим,
Вале охир маломат ўқлариға-ўқ нишон бўлдум.

Кулар эрдим бурун Фарҳоди мискин достониға,
Бу Шириндурки, онинг бирла-ўқ ҳамдостон бўлдум.

Висолинг давлатиға етмасам Бобур киби, не тонг —
Ки, ҳажринг меҳнатида асру зору нотавон бўлдум.

* * *

Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух⁶, бу чехраи зардим⁷.

Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигининг⁸ сарвдек ҳаргиз,
Аёғингга тушуб, барги хазондек мунча ёлбордим.

¹ Бўса — ботиний файз ва жазба маъносида келади.

² Адам — йўқлик.

³ Оғиз — сўфийлар истилоҳида илоҳий қаломга, унинг чиқиш ўрнига ишора. Шунга мувофиқ, оғизнинг ангишвонадай кичкиналиги, гоҳо ҳатто кўриб бўлмас даражада эканлиги — илоҳий асрорни ақл билан англаб етишнинг имконсизлигидан нишона.

⁴ Хурдадон — билимдон, нозикфаҳм, заковатли.

⁵ Тузлук — тўғрилиқ, ҳалоллик.

⁶ Лоларух — лола юзли.

⁷ Зард — сариғ, сарғайган.

⁸ Саркаш — ўжар, қайсар.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу¹ хуррам қол,
Мен арчи² даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.

Хазондек қон ёшим, сориг юзумдин эл танаффурда³,
Ба ҳар ранге⁴, биҳамдиллаҳ⁵, улусдин ўзни қутқордим.

Не толеъдур мангаким, ахтари бахтим топилмайди,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўткардим.

* * *

Не хуш бўлғайки, бир кун уйқулуқ бахтимни уйғотсам,
Кечалар тори мўйидек белига чирмашиб ётсам.

Гаҳи гулдек юзини ул шакар сўзлукнинг исласам,
Гаҳи шақкар киби ул юзи гулнинг лаълидин тотсам.

Қани Ширин била Лайлики, сендин ноз ўрганса?
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларға ишқ ўргатсам?!

Ёруқ кундуз қоронғу кечада анжум⁶ киби бўлғай,
Чекиб гар оҳ дудини, кўнгул ўтини тутратсам.

Кўзум равшанлиғида бўлғай, эй Бобур, баса камлиғ,
Агар қоши била юзин ҳилолу кунга ўхшатсам.

¹ Сабз — яшил, яшил ранг.

² Арчи — гарчи, агарчи, шундай бўлса-да.

³ Танаффур — нафратланиш, жирканиш.

⁴ Ба ҳар ранге — ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, бир илож қилиб.

⁵ Биҳамдиллаҳ — Худога шукр.

⁶ Анжум — юлдузлар.

Яна кўз уйида маъво¹ қилибсен,
Кўнгул кошонасида жо қилибсен.

Яна савдои зулфунгдин, нигоро,
Мени ошуфтаю шайдо қилибсен.

Гаминг йўқ жон агар берсам гамингда,
Ўзунгни мунча бепарво қилибсен?!

Қошингдин мени ўқдек ташлар учун,
Янги ойдек қошингни ё қилибсен.

Кўзумдин ёшунуб, эй баҳри алтоф²,
Кўзумнинг ёшини дарё қилибсен.

Соғинмас жаннат ул-маъвони³ Бобур,
Анинг кўнглида то маъво қилибсен.

Не вафо умрумда ул жону жаҳондин кўргамен,
Ким вафо жондин кўрубтурким, мен ондин кўргамен?!

Кўз йўлидин ул пари ҳуснин назар айлар эдим,
Қон ёшим ул йўлни тутти, эмди қондин кўргамен?!

Ё Раб, ул кун шум толеъдин манга бўлгаймуким,
Жонима ором ул оромижондин кўргамен?

¹ *Маъво* — бошпана, макон; мақом, манзил.

² *Алтоф* — лутфлар, марҳаматлар.

³ *Жаннат ул-маъво* — биҳишт.

Кўз кўрар, лекин солур мени балога бу кўнгул,
Бу балони неча чашми¹ хунфишондин² кўргамен.

Бартараф қилғил вафо истарни элдин, Бобуро,
Ул ғалатдурким, вафо аҳли жаҳондин кўргамен.

* * *

Такаллуф³ ҳар неча суратда бўлса, ондин ортуқсен!
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен!

Парининг ҳусн ичра гарчи оти бениҳоятдур,
Мени девона қошимда ва лекин ондин ортуқсен!

Пари бу ҳусн бирла кўрса юзунгни, бўлур телба,
Сени таъриф этар, лекин сифат қилгондин ортуқсен!

Қадам ранжида қил кўнглум учун, эй ёрнинг ўқи,
Менинг бу нотавон кўнглумга чун дармондин ортуқсен!

Иқомат⁴ чунки қилдинг, Бобуро, ул ҳур кўйида,
Мақоминг равзадин авло⁵, ўзунг ризвондин⁶ ортуқсен!

* * *

Бу янглиғ билсам эрди ҳажрнинг муҳлик қаро шомин,
Берурму эрдим ўлгунча иликдин васл айёмин?!

Жаҳонда айшу ишратдин кўнгул ором топқайму,
Киши то кўрмагунча ёнида маҳваш дилоромин?

¹ Чашм — кўз.

² Хунфишон — қон тўқувчи.

³ Такаллуф — бу ерда: муболага маъносида.

⁴ Иқомат — 1) яшаш, истиқомат қилиш; 2) бир жойда туриш, муқим бўлиш.

⁵ Авло — яхши, афзал.

⁶ Ризвон — саккиз жаннатдан бири.

Кўнгулда ҳасрати ул ойнинг огзининг чу беҳаддур,
Кўнгул гўеки мундиндур тутубтур ғунча андомин.

Масиҳ анфоси¹ янглиғ жон берур фарсуда² жисмимга,
Сабо келтурса ногаҳ ҳажр аро ул ёр пайғомин³.

Мувофиқ ёрлар бирла бу дамни хуш кечур, Бобур,
На учунким, келур дамга бўла олмас киши зомин⁴.

* * *

Ишқ элининг оҳидин ул сарв қад ҳам бўлмасун,
Ғам элидин ул муанбар⁵ зулф дарҳам⁶ бўлмасун.

Кўп жафою жавр кўрдук, эй қуёш, ҳажринг куни,
Бошимиздин сояи сарви қадинг кам бўлмасун!

Даҳри дундин тегмасун озор нозик жисмингга,
Даҳр аҳлидин муборак кўнглунгга ғам бўлмасун.

Олам аҳли бирла оламдин манга сенсен ғараз⁷,
Зоти покинг бўлмаса, оламда одам бўлмасун!

Гар ҳаводорим⁸ эурсан, эй сабо, арз айлаким,
Ул юзи гул сарв ҳар хас бирла ҳамдам бўлмасун.

Гарчи ошиқ лозими оламда расволиқтурур,
Ишқ аро Бобур киби расвои олам бўлмасун!

¹ *Анфос* — дамлар, нафаслар. *Масиҳ анфоси* — Исо Масиҳ нафаслари, яъни жонбахш, ҳаёт бағишловчи.

² *Фарсуда* — тўзғиган, титилган, эскирган; ҳориган, чарчаган.

³ *Пайғом* — хабар, дарак, башорат.

⁴ *Зомин* — кафил.

⁵ *Муанбар* — хушбўй, муаттар.

⁶ *Дарҳам* — сочилган, ёзилган, паришон бўлган.

⁷ *Ғараз* — мақсад, ният, муддао.

⁸ *Ҳаводор* — тарафдор, хайрихоҳ, мухлис.

Тушумда чун қуёшдек оразингни¹ кўрдум ўтрудин²,
Тилармен то қиёмат очмағаймен кўзни уйқудин.

Сенинг васлингдин айру тушгали боргон сори ортар
Таҳассур³ — орқадин, меҳнат — ёнимдин, ҳажр — ўтрудин.

Кўнгулдин қатъи⁴ уммид айладим ул вақтким, билдим,
Кесилди риштаи жондин, осилди тори гисудин⁵.

Тия олмон йиғини кўргач ул ёшни, вале, ул ҳам
Кўзум ёшини кўргач, асрай олмас ўзни кулгудин.

Кўзум ёшики, емрулди шикебу сабр уйи ондин,
Зиёнлар санга, эй Бобур, бу янглиғ билмадим судин.

Қуёшим ҳар сориға азм қилса, заррае қолмон,
Не учунким, агар айрилсам ондин, кун кўра олмон.

Онингдек бўлмишам ҳайрон қуёш янглиғ юзунғаким,
Қуёшдек найзалар тегса кўзумга, кўз ола олмон.

Агарчи ёр ишқи нотавон кўнглумга ўт солди,
Вале, мен нотавон ул ёр ишқида кўнгул солмон.

Ибодат вақти бўлса, ҳар неча меҳроб⁶ ўтрумда,
Қошин нақшин тасаввур қилмағунча ерга бош чолмон⁷.

¹ Ораз — юз, чеҳра.

² Ўтру — қарши, муқобил, рўпара.

³ Таҳассур — ҳасратда қолиш, пушаймон бўлиш.

⁴ Қатъ — узиш.

⁵ Гису (Гесу) — соч, зулф, кокил.

⁶ Меҳроб — 1) сажлагоҳ, масжидда имом турадиган тепаси қайрилма жой; 2) гўзалларнинг қайрилма қоши.

⁷ Чолмоқ — бу ерда: қўймоқ, урмоқ.

Ироқу Форс¹ гар етса, сенинг бу шеъринг, эй Бобур,
Ани ҳифз этгуси² Ҳофиз³, мусаллам тутқуси⁴ Салмон⁵.

* * *

Менинг кўнглумни ҳар дам оғритиб, парвое қилмайсен,
Сен, эй бедард, найлайким, кўнгул дардини билмайсен.

Не билгайсен менинг дарду ғамим ҳар соату ҳар дам —
Ки, ҳусн усруклугидин ою йил, эй ой, ойилмайсен.

Вафо мактуби бирла ғамза ўқин ҳеч ёзмайсен,
Жафо расмию жавр ойинини ҳаргиз ёнгилмайсен.

Қотилма, ишқ эли ҳолин чу билмассен, манга, эй шайх,
Не билгайсенки, ҳаргиз бу жамоатқа қотилмайсен.

Бўлубтур ишқинг ичра гарчи хасдек жисми Бобурнинг,
Вале, не фойдаким, хасча чоғлиқ кўзга илмайсен.

* * *

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,
Не кун бўлғай, висолингға мени дилхаста етгаймен!

Тараҳхум юзидин юзунгни кўрмакка буюрғайсен,
Хуш улким, оразингни кўргамен, сўзунг эшитгаймен!

¹ *Форс* — ҳозирги Эроннинг жанубий қисми бўлиб, шарқдан — Кирмон, ғарбдан — Ҳузистон, шимолдан — Хуросон ва жанубдан денгиз билан чегараланган мамлакат.

² *Ҳифз этиш* — ёдлаш, эсда сақлаш.

³ *Ҳофиз* — лисон ул-ғайб номи билан машҳур форс-тожик шоири Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий (1326—1389).

⁴ *Мусаллам туттиш* — бу ерда: тан бериш, эътироф этиш.

⁵ *Салмон* — машҳур форс-тожик шоири Салмон Соважий (1300—1376).

Итингдурмен, сочинг занжирини буйнумға маҳкам қил —
Ки, водийи фироқинг ичра қўрқарменки, йитгаймен.

Тараххум қилмасанг ё боқмай, истиғно била ўтсанг,
Тазарруъ¹ қилғамен ё йиғлағаймен — ўзга нетгаймен?!

Муяссар бўлмаса бошимни қўймоғлиғ аёғиға,
Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етганча кетгаймен!

* * *

Неча ҳусн аҳлидин, маҳзун кўнгул, озор топқайсен?
Неча гулчеҳралардин бағринг ичра хор топқайсен?

Неча ишқу фироқу раҳмсиз ағёр илкидин
Ўзунгни хору жонни зору кўз хунбор топқайсен?

Неча мақдур боринча анинг ройича борғайсен?
Неча борғон сойи ўзунгни бемиқдор топқайсен?

Танимға нечаким наззора² қилсанг, доғ кўргайсен,
Кўнгулда ҳар нечаким истасанг, озор топқайсен.

Бу маҳвашларға кўнглунг бермағилким, асрай олмаслар,
Кўнгулни асрағил, бўлгайки, бир дилдор топқайсен.

* * *

Неча лаълингдин менинг бағрим тўла қон қилғасен?
Хотиримни неча зулфунгдек паришон қилғасен?

Неча еткургайсен эл бошини кўкка меҳр ила,
Неча мени жаврдин ер бирла яксон қилғасен?

¹ *Тазарруъ* — ёлвориш, ялиниш, тавба қилиш.

² *Наззора* — қараш, назар солиш.

Кўнглума дашному таънинг улча мақдур этгасен,
Жонима бедоду зулмунг улча имкон қилгасен.

Манга бормоқ мушкилу келмак санга осондурур,
Ушбу мушкилни манга, ё Раб, сен осон қилгасен.

Демагай аҳсант¹ лафзин, Бобур, ул ёринг сенинг,
Нечаким Ҳассон² киби ўзни сухандон³ қилгасен.

* * *

Келди ул вақтки, бошимни олиб кетгаймен,
Олам ичра аёғим етганича етгаймен.

Истарам ўзни азиз элга кўрунмасликтин,
Неча ўзумни улус кўзида хор этгаймен?

Халқ юз жавр ила ишлар буюрур, кош элнинг
Не юзин кўргамену не сўзин эшитгаймен!

Ҳар сори борса бу девона кўнгул, айб этма,
Ўйла девона эмаским, ани беркитгаймен.

Дема Бобурга нетарсен, бош олиб кетмак не?
Тенгрининг хости⁴ мундоқ эса, мен нетгаймен?

* * *

Хуш улки, ёна муборак юзунгни кўргаймен,
Ўзум била қадаминг гардини супургаймен.

¹ *Аҳсант* — нидо калимаси: офарин, балли, қойил.

² *Ҳассон* — Муҳаммад алайҳиссалом даврида яшаган машҳур араб шоири Ҳассон ибн Собит (563—674).

³ *Сухандон* — сўз устаси, шоир, адиб.

⁴ *Хост* — хоҳиш, истак, тилак, талаб.

Демаки, жавр келур санга ёр кўрмактин,
Мени не кўркутасен, ҳар не келса кўргаймен.

Гаҳи жафою гаҳи жавр этиб юз эвруласен,
Мен ул эмонки, булар бирла юз эвургаймен.

Неча фироқ хумори аро азоб чекай,
Қачон висол майидин даме усургаймен?¹

Фироқ ўтида овунсам чоғир била, не ажаб,
Магар бу сув била ул шуълани ўчургаймен.

Демиш меники итим, Хайркулпанда кўргумдур,
Неча бу ваъда била, Бобуро, югургаймен.

* * *

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?!
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?!

Мени хор этти-ю, қилди муддаийни² парвариш,
Даҳри дунпарварнинг³ ўзга муддаоси қолдиму?!

Мени ўлтурди жафою жавр бирла ул қуёш,
Эмди тиргузмак учун меҳру вафоси қолдиму?

Ошиқ ўлғач, кўрдум ўлумни ўзумға, эй рафиқ,
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси⁴ қолдиму?!

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?

¹ *Усурмоқ* — маст бўлмоқ.

² *Муддаий* — даъвогар; рақиб.

³ *Дунпарвар* — ёмон, паст кишиларни тарбия қилувчи.

⁴ *Ҳарос* — кўрқув.

Сочининг савдоси тушти бошима боштин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қоштин яна.

Мен худ ул тифли¹ паривашга кўнгул бердим вале,
Хонумоним ногаҳон бузулмағай боштин яна.

Юз ямонлиғ кўруб ондин, телба бўлдунг, эй кўнгул,
Яхшилиғни кўз тутарсен ул париваштин яна.

Тош урар атфол² мени, уйида фориғ³ ул пари,
Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тоштин яна.

Оёғим етганча Бобурдек кетар эрдим, нетай,
Сочининг савдоси тушти бошима боштин яна.

Кўзумда муттасил ул эгма қош керак бўлса,
Қошимда кўз ёруғи ул қуёш керак бўлса.

Сужуд⁴ вақтида меҳроб бўлмасун ҳаргиз —
Ки, бош қўярда ўшал эгма қош керак бўлса.

Ҳабиб⁵ ишқида бошдин кеч, эй кўнгул, йўқ эса
Бу йўлга қўйма оёқ санга бош керак бўлса.

Қўюб оёғига бош, сўрса лаълидин ҳар ким,
Бошига туфроқу оғзига тош, керак бўлса!

Сенинг бирла бори эл нохуш ўлса, эй Бобур,
Не бўлғуси санга ул ёри хуш керак бўлса?

¹ *Тифл* — бола, гўдак, чақалоқ.

² *Атфол* — гўдаклар, ёш болалар.

³ *Фориғ* — хотиржам, бепарво, беҳабар.

⁴ *Сужуд* — саждалар, ибодатлар.

⁵ *Ҳабиб* — дўст.

Ким кўрар хуршидни ул моҳсиймо¹ бўлмаса?!
 Ким сўрар шаккарни ул лаъли шакархо² бўлмаса?!

Гул тикандур кўзларимга ул юзи гулдин йироқ,
 Сарв ўқтур бағрима ул сарви боло³ бўлмаса.

Жаннат ул-маъвони, эй зоҳид, нетай мен зорким,
 Истарам кўйидин ўзга манга маъво бўлмаса.

Тиймағил девона кўнглумники, расво бўлма деб,
 Ошиқ ўлғайму эди ул телба, расво бўлмаса?!

Гар бошингни кессалар ишқида, эй Бобур, сенинг,
 Ёрдин кўнглунг, керакким, ўзга қатъо⁴ бўлмаса.

Жонима ўт солди ул рухсораи зебо яна,
 Кўнглума ул зулф бўлди мояи⁵ савдо яна.

Кўрсатиб рухсору зулфин ул парипайкар⁶ манга,
 Жону кўнглумни қилибтур волаю шайдо яна.

Ёр кўйиндаги том сенсен менга пушту паноҳ,
 Сояи лутфунгни сол, чун санга келдим то яна.

Шодлиғнию фароғатни кўюб, ошиқ бўлуб,
 Меҳнату ғамни қилиб мен ўзума пайдо яна.

Ёрга қулмен дегач, Бобурни расво айлади,
 Тенгри мендек бандасини қилмасун расво яна.

¹ *Моҳсиймо* — ой юзли, гўзал.

² *Шакархо* — ширинсўз.

³ *Сарви боло* — баланд сарв; мажозан: тик қомат.

⁴ *Қатъо* — қатъиян, асло, ҳеч қачон.

⁵ *Моя* — асос, моҳият, сабаб.

⁶ *Парипайкар* — парига ўхшаш, ғоят гўзал, париваш.

Ўлум уйқусига бориб, жаҳондин бўлдум осуда,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.

Неким тақдир бўлса, ул бўлур таҳқиқ¹, билгайсиз,
Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.

Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор —
Ки, бир дам ғам емакка арзимас дунёи фарсуда.

Замона аҳли ичра, эй кўнгул, оё топилгайму
Сенингдек дардпаймою менингдек дардпаймуда?

Улусдин тинмадим умрумда ҳаргиз лаҳзае, Бобур,
Магар ўлсам бу олам аҳлидин бўлгаймен осуда.

Ҳажр ўлтурди мени, англасам эрди мунча,
Дўстлар, ёрдин айрилмас эдим ўлгунча.

Зоҳидо, дўзах ўтидин мени не қўрқутасен,
Ҳажр ўти қошида кўрмасмен ани учқунча.

Ул қуёш меҳрини бир зарра манга кўргузмас,
Кавкаби² ашк тўқуб, бўлсам агар гардунча³.

Ҳуснда ортуқ агар бўлса юзи Лайлидин,
Мен тақи бормен анинг ишқида юз Мажнунча!

¹ *Таҳқиқ* — ҳақиқат.

² *Кавкаб* — юлдуз, сайёра.

³ *Гардун* — 1) осмон, фалак; 2) дунё, олам.

Риндлар¹ оллида ҳайвон суйини кўп ўкасен,
Эй Хизр, борму экин ул сув майи гулгунча?

Бобуро, шеърингга гар солса қулоқ ул шоҳинг,
Бўлғусидур сўзунга қадр дури макнунча².

* * *

Хатинг парвона³ келтургач, тирилди ушбу девона,
Ани тиргузмак учун гўйе келтурди парвона.

Куёштек юзунгу дурдек тишингнинг ҳажрида, эй жон,
Кўзумнинг ёшидур юз қатраю ҳар қатра — дурдона.

Қадинг кўрсатмадинг, бир тори сочингдин юбор пинҳон,
Иноят тўғри гар йўқтур, не бўлди бўлса тўлғона?

Анинг усрук кўзидин борди чун диним уйи барбод,
Мену, эй дўстлар, мундин нари май бирла майхона⁴.

¹ *Ринд* — шариат ва тариқат босқичларидан ўтиб, ҳақиқат асрорига етган киши. Тасаввуф адабиётида ринд молу давлатни кўзга илмаган ҳурфикрли, исёнкор, майпараст, илоҳий ишқдан сархуш ва саргардон ошиқ тимсоли бўлиб келади. Риндлар илоҳий жазава чоғида омма қабул қилмайдиган нозик маънолар ва чуқур ҳақиқатларни ошкор қилишлари, мутаассиб диндорлар томонидан куфр сифатида баҳоланадиган фикрларни илгари суришлари билан машҳур бўлганлар.

² *Макнун* — яширинган, пинҳон. *Дури макнун* — садафдаги қимматбаҳо дур; мажозан: қимматбаҳо ва гўзал нарса.

³ *Парвона* — кечаси шам ёки чироқ атрофида айланиб, ўзини унга урадиган ҳашарот. Шам ва парвона — тасаввуф шеъриятидаги машҳур тимсоллардан. Бунда шам — илоҳий ишқ, парвона — ошиқ тимсоли бўлиб келади.

⁴ *Майхона (Майкада)* — шавқу завқу илоҳий файзга кон комил орифнинг ботини. Илоҳий олам маъносида ҳам келади.

Жамолинг¹ шамъи² ҳижронида Бобур ўртаниб борди,
Қачон бошингдин эврулгай келиб парвонадек ёна?

* * *

Бўлмадим умрумда бир дам хоотири хуррам била,
Гар иликтин келса, бир дамни кечурманг ғам била.

Неча бўлғай ёр ҳижронию даврон меҳнати,
Нақди умрум, оҳким, ўтти ғаму мотам била.

Зоҳир ўлғай ҳар нафас бир тун сочингнинг ҳажрида
Ўтлуқ оҳим дуд янглиғ чиқса печу хам³ била.

Эй кўнгул, токим кўрубмен ул паридин илтифот,
Ихтилот⁴ этмак манга ёқмас бани⁵ одам била.

Қатъ этиб Бобур боридин чун санга келтурди юз,
Бок⁶ эмас якрўй⁷ бўлса жумлаи олам била.

* * *

Неча расво бўлғамен ишқ ичра шайдолиғ била?
Ҳеч киши кўрмайдурур ошиқ⁸ бу расволиғ била.

¹ *Жамол* — ошиқнинг кучли рағбат ва талабига кўра маъшуқанинг ўз жамолини намоён этиши: илоҳий тажаллий.

² *Шамъ* — солиқ дилини куйдирадиган илоҳий нур.

³ *Печу хам* — эгилган, буралган.

⁴ *Ихтилот* — алоқа, муносабат.

⁵ *Бани* — авлод, болалар, уруғ, қавм, қабила. *Бани одам* — одам авлоди, одамзод.

⁶ *Бок* — 1) ажаб, парво, андиша; 2) зарар; 3) хавф, қўрқув.

⁷ *Якрўй* — бир тарафлама, бир томон.

⁸ *Ошиқ* — илоҳий жамол ва камолга ошуфта бўлиб, тамоми жидду жаҳд билан Ҳақ таолони изловчи киши.

Ҳар нечаким туттум ўзни порсолиғ¹ таврида,
Бўлдум охир шухраи офоқ² шайдолиғ била.

Менки ҳижронингда қон ютмоқ била муътодмен,
Манга йўқтур ҳеч нисбат айшу саҳболиғ³ била.

Шайх шеърим манъ этар етмай балоғат лутфиға,
Найлагай, ё Раб, киши бу пири ноболиғ⁴ била?!

Бобури бедилни ишқи телбаратса, не ажаб,
Чунки ҳаргиз рост келмас ишқ донолиғ била.

* * *

Қачон бўлғай мушарраф бўлғамен, жоно жамолингға?
Қутулғаймен фироқингдин, етишгаймен висолингға!

Кўз очқил боққаликим, бўлмишам бемор ул кўздин,
Лаб очқил сўрғаликим, ташна бўлмишмен зулолингға⁵.

Ул ойнинг юзи бирла тўш бўлуб, даъвойи ҳусн эттинг,
Яқин бўлди бу кунким, эй қуёш, еттинг заволингға!

Кабутар, элтасен хаттим, не бўлғай гар қабул этсанг,
Кўнгулни боғласам ул нома янглиғ парру болингға⁶.

Белингдинким⁷, хаёледур, йироқдурмен, мени ёд эт,
Умидим борки Бобурдин, етишгаймен хаёлингға.

¹ *Порсо* — тақводор, художўй.

² *Офоқ* — дунё, олам. *Шухраи офоқ* — дунёга машҳур.

³ *Саҳбо* — олий навли қизил май.

⁴ *Ноболиғ* — балоғатга етмаган.

⁵ *Зулол* — тиниқ, тоза, ширин сув; шароб.

⁶ *Бол* — қанот.

⁷ *Бел* — комил инсоннинг фикру тахайюли. Ингичка (қилдай) бел — бу фикру тахайюлнинг нозик ва теранлиги. Солиқнинг вужуди ҳижобига ҳам ишора қилинади.

Улки йиллар-ойлар ўткаргай ғаму мотам била,
Шоду хуррам бўлмагай Наврўз ила, байрам била.

Улки давроннинг аёғидин дамодам қон ютар,
Нашъа топмас, гар ичар ҳар давр жоми Жам¹ била.

Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сўзинким, менинг
Улфатим йўқ олам аҳли бирла, бал² олам била.

Сендин айру найлагаймен ийд ила Наврўзни,
Ою йил хуштур сенинг бирла агар бўлсам била.

Тортиб афғон, оҳ уруб ҳижронда, Бобур, йиғласанг,
Навҳа³ тузгай базми ғам аҳли бу зеру бам⁴ била.

Гурбатқа солди чарх мени юз жафо била,
Ёд айла мен ғарибни гоҳи дуо била.

Беҳад вафою меҳр санга кўрсатиб эдим,
Сен ҳам соғинғасен мени меҳру вафо била.

¹ *Жам* — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид номининг қисқартирилган шакли. Жамшид жоми жаҳоннамо — жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Илоҳий сирларни ошкор қилиши жиҳатидан май қадаҳи ҳам жоми жаҳоннамога ўхшатилади. Шунингдек, илоҳий сирлардан огоҳ комил инсоннинг қалбини ҳам Жамшид жоми — жоми жаҳоннамога нисбат беришади. Чунки бу қалб илоҳий маърифатга кон бўлиб, унга боққан ориф Оллоҳ моҳияти, ғайб сирларидан огоҳ бўлади. Яна Жамшид жомидаги май сира адо бўлмас эмиш.

² *Бал* — балки, эҳтимол, ҳатто.

³ *Навҳа* — йиғи-сиғи, нола.

⁴ *Зеру бам* — энг ингичка ва энг йўғон товуш.

Чун қилди мени ул бути Чин¹ зору мубтало,
Ишим менинг қолибтурур эмди Худо била.

Кўрмон фараҳни² бир дам агар андин айрумен,
Билмон аламни, бормен анинг бирла то била.

Ул сарвга карам қилибон еткур, эй сабо,
Бобур ниёзини³ ер ўпуб хўб адо била.

* * *

Хуш улким, ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса,
Жаҳон кезмак ила беқайдлиғни⁴ ихтиёр этса.

Анингдек бўлсаким, асло тафовут бўлмаса пайдо:
Агар бу даҳри дун⁵ хор айласа, гар эътибор этса!

Жафодур жонга бўлмоғлиғ муқайяд⁶ олам аҳлига,
Хуш ул озодаким, элнинг аросидин канор⁷ этса!

Кишининг жониға душман, балодур бошиға бу эл,
Агар бошин туфайл⁸ айлаб ва гар жонин нисор этса!

Диёру ёрдин Бобур жафою жавр кўп кўрди,
Хуш улким, ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса.

¹ *Бути Чин* — Хитой гўзали.

² *Фараҳ* — шодлик, хурсандчилик.

³ *Ниёз* — 1) эҳтиёж; 2) илтижо; 3) аташ, назр қилиш.

⁴ *Беқайдлиғ* — эркинлик, озодлик.

⁵ *Дун* — тубан, пасткаш, разил.

⁶ *Муқайяд* — боғланган, гирифтор, банд, вобаста.

⁷ *Канор* — 1) чет, узоқ; 2) соҳил, қирғоқ; 3) кучоқ, бағир.

⁸ *Туфайл* — сабаб, баҳона.

Не чаманда сарв бор ул қомати раъно киби,
Не гулистон ичра гул бор ул рухи¹ зебо киби.

Не жафо таврида бор дунёда ул бемехрдек,
Не вафо бобида бор оламда мен шайдо киби.

Донаи холи² Масиҳосо³ лабининг устида,
Нотавон жонимға бўлди мояи савдо киби.

Айласам кўйида маъво, найлайин жаннатниким,
Бор манга ул ҳур кўйи жаннат ул-маъво киби.

Базм аро, эй дўстлар, не майки, қон ичмакдурур,
Соқие гар бўлмаса ул шўхи базморо⁴ киби.

Минса абраш⁵ ул қуёш куймай нетайким, Бобуро,
Мени куйдурмакка елдур маркаб⁶, ўтдур рокиби⁷.

Қади шохи гулдек нигорим қани?
Лаби ғунчадек гулғузорим⁸ қани?

Не тонг, юз нигор ўлса қон ёш бида —
Ки, ул юзи гул ёш нигорим қани?

¹ Рух — юз.

² Хол — тасаввуфда илоҳий зотнинг яғоналиги тимсоли. Ҳақиқий ваҳдат нуқтаси ҳисобланади. Баъзида хол деганда йўқлик оламига ҳам ишора қилинади.

³ Масиҳосо — Масиҳ каби.

⁴ Базморо — базмни безовчи, базмга файз берувчи.

⁵ Абраш — ола-була от, холдор от.

⁶ Маркаб — улов, от.

⁷ Рокиб — отлик, суворий.

⁸ Гулғузор — гул юзли, гўзал.

Қаро кечаларда кўзум ёрутур,
Ўшал шамъи шабҳои торим¹ қани?

Ёрим кечалар келур эрди бурун,
Бу тун келмади, оҳ, ёрим қани?

Деманг, тарки ишқини қил ихтиёр,
Бу ишда менинг ихтиёрим қани?

Фироқингда кўнглумни қон айласанг,
Санга бўлғай ул беқарорим қани?

* * *

Шоми ҳижронин манга ул бевафо кўрсатмагай,
Ҳажр шоми асру муҳлиқтур, Худо кўрсатмагай!

Ваъда айлаб васл, кўрсатгай неча жонимға ҳажр,
Неча кўнглумға жафо қилғай, вафо кўрсатмагай.

Ул қаро кўз ҳажрида тундек қарорди кундузум,
Ё Раб, андоқ кунни ул кўзи қаро кўрсатмагай!

Очмагай кўзини то сўкмакка оғзин очмагай,
Юзини кўрсатмагай то юз жафо кўрсатмагай.

Ишқ истар бўлса, Мажнун айлагай пайравлиғим²,
Йўлни не билгай киши то раҳнамо кўрсатмагай.

Учкудекдур жон қуши ҳижронда Бобур оҳидин,
Кел пари таъжил³ ила жоним ҳаво кўрсатмагай.

¹ *Шабҳои тор* — қоронги кечалар.

² *Пайрав* — бировга эргашиш, изидан бориш, тақлид қилиш.

³ *Таъжил* — тез, шошилиш.

Гунчадек кўнглум менинг гулзор майли қилмағай,
Ғам била бутган¹ кўнгул гулгашт ила очилмағай.

Ранга-ранга гулларингни, боғбон, арз этмаким,
Таҳ-батаҳ қонлиғ кўнгул гул орзусин қилмағай.

Йўқтур улким, гул юзунгдин айру боқсам гул сари,
Гунча янглиғ кўнглума юз хори ғам санчилмағай.

Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил, ҳануз,
Эй юзи гул, сарвқад, юздин бири айтилмағай.

Сендин айрилдим эса бўлди насибим хори ғам,
Сендин, эй гул, эмди Бобур бир замон айрилмағай.

Ғаҳи соғин, не бўлди, зорларни,
Унутмағил, бурунғи ёрларни.

Сени кўрмай, йироқдин зор бўлдим,
Бирор ёд эт йироқдин зорларни.

Юзунгдин айру мен хор, эй азизим,
Киши гулдин айирмас хорларни.

Кўзунг беморимен, мендин юмуб кўз,
Яна оғритмағил беморларни.

Санга бир йўл етар фикридадурмен,
Унутма бир йўли афгорларни.

Санга кўнглумни олдурдум, жаҳонда
Кўрубмен гарчи кўп дилдорларни.

¹ Бутмоқ — бу ерда: ҳосил бўлиш, вужудга келиш.

Сиҳи¹ қадларга, Бобур, ошиқ ўлсанг,
Бурунроқ кўзлагайсен дорларни.

* * *

Ё қошинг янглиғ эгилган жисми зоримниму дей?
Ё сочингдек тийра бўлгон рўзгоримниму дей?

Кундуз ўлса, тунгача айтайму бепоён ғамим,
Кеча бўлса, тонгга тегру² ҳоли зоримниму дей?

Ҳажри қотил бирла кўнглум ҳолатинму шарҳ этай,
Дарди муҳлик ичра жони беқароримниму дей?

Телбаю мадҳушу беҳуд, дема, ким қилди сени,
Лаъли майгун³, сўзи мул, ўзи хуморимниму дей?

Бобур, ул ойнинг қуёшдек орази ҳижронида
Тонгга тегру ҳар кеча юлдуз саноримниму дей?

* * *

Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?
Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди?

Кеттим мени ҳайрон эшигингдин, демадинг ҳеч:
Ул телбаи ҳайрон қани, эй ёр, не бўлди?

Юз кўрсатибон эл ичида лутф этар эрдинг,
Ул лутфи намоён қани, эй ёр, не бўлди?

Сенинг сари борди кўнгул, истаб топа олмон,
Сенинг сари борғон қани, эй ёр, не бўлди?

¹ *Сиҳи* — тик, баланд, тўғри.

² *Тегру* — ...гача, ...га қадар

³ *Майгун* — майга ўхшаш.

Жонимға даво сўзунг эди, сўзламадинг, оҳ,
Жон дардиға дармон қани, эй ёр, не бўлди?

Мундоқму эди аҳди, Бобурни унуттунг,
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?

* * *

Кўрмагай эрдим жамоли оламоро¹ кошки,
Бўлмагай эрдим бори оламға расво кошки.

Ишқ богининг ниҳоли — ғам, бари — ҳирмон эмиш,
Қилмагай эрдим бу гулшанни тамошо кошки.

Қилмагай эрди кўнгул ишқин ҳавас, бал, тилга ҳам
Кечмагай эрди анингдек лафз асло кошки.

Қоши ёлар кўйида умри шариф этгунча сарф,
Қилгай эрдим масжиду меҳроб аро жо кошки.

Ихтиёр эт ўзга иш, Бобурки, ҳосил бўлмагай
Ишқу васлу айш ила ишраттин илло² кошки.

* * *

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, бодани кайфияти.

Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Кимга бу нашъа муяссар бўлса, бордур давлати.

Ишқ дардини чекиб, ҳар кимки топса васли ёр,
Ул замон бўлгай унут юз йилғи ҳижрон шиддати.

Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлгай баҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати.

¹ Оламоро — оламга зеб берувчи.

² Илло — аммо, лекин, бироқ. Бу ерда: ...дан бошқа. *Ишрат-тин илло* — ишратдан бошқа.

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,
Мундин ортуқ бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг ишрати.

* * *

Шукрилиллаҳ¹, айш юзланди-ю, меҳнат қолмади,
Етти айёми висолу шоми фурқат қолмади.

Юзланиб амну² фароғат, ғуссаю ғам бўлди дафъ,
Айшу ишрат келди-ю, ранжу машаққат қолмади.

Меҳнати ҳижронки, ондин чок-чок эрди кўнгул,
Бўлди роҳатқа мубаддал³, ул жароҳат қолмади.

Муртафеъ⁴ бўлгонда ҳижрон, кел, таваққуф қилмаким⁵,
Интизорингни чекарга ўзга тоқат қолмади.

Васлингга еткурди даврон оқибат Бобурни, шукр,
Эмди даврондин манга асло шикоят қолмади.

* * *

Яна бир кўз ғамидин хаста кўрармен ўзни,
Яна бир зулфға вобаста кўрармен ўзни.

Лабининг ҳасратида зор топармен жонни,
Кўзининг фурқатида хаста кўрармен ўзни.

Кўзидин ул қоши ё гарчи мени солди йироқ,
Лек, ул ой қошида пайваста кўрармен ўзни.

Зулфи занжириға то бўлди кўнгул вобаста,
Шукр, Бобур киби вораста⁶ кўрармен ўзни.

¹ Шукрилиллаҳ — Оллоҳга шукр.

² Амн — тинчлик, осойишталик, омонлик.

³ Мубаддал — айланган, алмашган, ўзгарган.

⁴ Муртафеъ — ўртадан кўтарилган, йўқ бўлган.

⁵ Таваққуф — тўхташ.

⁶ Вораста — озод, қутилган.



РУБОИЙЛАР

Хуш улки, кўзум тушти сенинг кўзунгга,
Бевосита ҳолимни десам ўзунгга,
Бермай сўзума жавоб аччиғланасен,
Қилдинг мени муҳтож чучук сўзунгга.

* * *

Эй қомати сарву лаблари оби ҳаёт,
Будур тилагимки, еткамен васлингга бот!
Ҳажрингда манга не сабр қолди, не сабот,
Ё кел бу сориға, ё мени ўзунгга қот!

* * *

Келди рамазону мен тақи бодапараст,
Ийд ўлди-ю, зикри май қилурмен пайваст,
Не рўзаю не намоз йиллар, ойлар;
Тун-кун маю маъжун¹ била девонаю маст.

* * *

Душманники, бу даҳр забардаст қилур,
Нахват² майидин бир неча кун маст қилур.
Ғам емаки, еткурса бошини кўкка,
Охир яна ер киби они паст қилур.

¹ *Маъжун* — қувват дори.

² *Нахват* — гурур, худбинлик.

* * *

Кўзунг бори соғларни маст этгусидур,
Ғамзанг бори мастларни паст этгусидур.
Кўп зоҳиду порсони Бобур янглиғ
Лаълинг ҳаваси бодапараст этгусидур.

* * *

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур!
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур!
Яхши киши кўрмагай ёмонлиқ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур!

* * *

Ҳижрон қафасида жон қуши рам¹ қиладур,
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур.
Не навъ битай фироқу ғурбат шарҳин —
Ким, кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

* * *

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,
Кўздин учадур уйқу чу ахшам бўладур.
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,
Борғон сори бу ортадур, ул кам бўладур.

* * *

Эйким, қуёш ул юзунг, ҳилол ул қоштур!
Пўлоддурур кўнглингу бағринг тоштур!
Номамға агар яхши жавобинг йўқтур,
Сўкмак била ёд айласанг ҳам хуштур!

¹ Рам — чўчиш, ҳуркиб қочиш.

* * *

Ҳажри аро орому қарорим йўқтур,
Васлиға етарга ихтиёрим йўқтур.
Кимга очайин розки, йўқ маҳрами роз,
Ғам кимга дейинки, ғамгусорим йўқтур.

* * *

Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур!
Сарриштаи¹ айшдин кўнгулни зинҳор
Уз, оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур!

* * *

Қайғунгни чека-чека қорибтур Бобур,
Раҳм айлаки, ўзидин борибтур Бобур.
Норанж² йиборди сенгаки, билгайсен,
Яъники, бу навъ сарғорибтур Бобур.

* * *

Бобур, неча бу даҳр мени зор айлар,
Сабримни каму ғамимни бисёр айлар.
То даҳрдурур, будур анинг расмиким,
Ойриб кишини азизидин хор айлар.

* * *

Арбоби ҳасад сўзига буттунг ўхшар,
Бегоналиғ атворини туттунг ўхшар.
Бир доғи соғинмадинг бу фурсатта мени,
Мен хастани, эй ёр, унуттунг ўхшар.

¹ *Сарришта* — калаванинг учи, ишнинг асоси.

² *Норанж* — апельсин.

* * *

Васлингга кўнгул қиёссиз толибтур,
Ҳажринг аро ихтиёрсиз қолибтур.
Муштоқлигим шарҳини дей олмасмен,
Дийдоринга иштиёқ кўп қолибтур.

* * *

Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

* * *

Кўнглумда ўту икки кўзумда судур,
Мен хастага раҳм қилки, ҳолим будур.
Ғам кундузию фироқ шоми янглиғ,
Тун-кун менга не қарору не уйқудур.

* * *

Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз!
Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз!
Чун гардиши чарх будурур, Тенгри учун
Бир-бирни неча куни ғанимат тутунгиз!

* * *

Ҳажринг ғамидин оқибат ўлгум, қаро кўз,
Юз ғуссаю андуҳ ила боргум, қаро кўз.
Васлинг била қилмадинг иложин, Бобур,
Мушкилки, фироқингда тирилгум, қаро кўз.

* * *

Ҳусн аҳлига зору мубтало кўз эрмиш,
Жоним била кўнглумга бало кўз эрмиш.
Фаҳм айладим эмди, Бобуро, ишқ ичра
Кўзумни қорортқон қаро кўз эрмиш.

* * *

Бу хаста кўнгул эрди висолинг била хуш,
Жоним ҳам эрур сенинг жамолинг била хуш.
Ҳижрон ғами гарчи асру нохуштур, лек,
Фикринг била шодмен, хаёлинг била хуш.

* * *

Эйким, бори шеър аҳлиға сен хон янглиғ!
Шеъринг бори шеърларга султон янглиғ!
Мазмуни анинг хатти саводий¹ ичра
Зулмат аросида оби ҳайвон янглиғ!

* * *

Не ёр вафо қилғуси охир, не ҳариф,
Не сайфу² шито³ қолғуси боқий, не хариф⁴,
Юз ҳайфки, зоеъ ўтадур умри азиз,
Афсуски, ботил борадур умри шариф.

* * *

Андин бериким, қасдим учун турди фироқ,
Юз дарду аламини манга еткурди фироқ,
Мени эшикингдин, нетайин, сурди фироқ,
Қил чора, йўқ эрса мени ўлтурди фироқ.

* * *

Май таркини қилғали эрурмен ғамлиқ,
Бор тийра кўнгулга ҳар замон дарҳамлиқ.
Ғам бирла фасурдалиқ ҳалок этти мени,
Май бирла эмиш шодлиғу хуррамлиқ.

¹ *Хати саводий* — қора хат (ёзув).

² *Сайф* — бу ерда: ёз (сайфий).

³ *Шито* — қиш.

⁴ *Хариф* — бу ерда: куз.

* * *

Ким ёр анга илм, толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак!
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби — илм керак.

* * *

Юзунг била лабларинг эрур гул, мулдек,
Балким, юзунг олида эрур гул қулдек.
Бобур киби ишқдин дам урмайдур эдим,
Эй гул, мени ишқинг айлади булбулдек.

* * *

Бобурни бурун маҳрами асрор эттинг,
Васлингга бериб йўл, ўзунга ёр эттинг,
Охир бординг, доғи они зор эттинг,
Ҳижрон алами бирла гирифтор эттинг.

* * *

Лутф эттингу кўнгул била жон ўргаттинг,
Васлинг била, эй жону жаҳон, ўргаттинг.
Бу қотла ёмонроқ ўлса ҳолим сенсиз,
Айб айламагайсенки, ёмон ўргаттинг.

* * *

Кўз шамъини ёрутқали, маҳваш, келдинг,
Сабр уйини куйдурғали оташ келдинг,
Қилдинг мени келганинг била миннатдор,
Раҳмат сенга, яхши келдингу хуш келдинг!

* * *

Сенсиз неча ғам бирла малоле кўралинг,
Ҳажринг неча бўлғуси, висоле кўралинг.
Ҳажрингда неча хаёл ила ўтқаралинг,
Лутф айла-ю келгилки, жамоле кўралинг.

* * *

Эйким, ясабон юзунгни хуршид эттинг,
Фурқат аламини жонга жовид¹ эттинг.
Мен сени дедим, сен ўзгани қилдинг ёд,
Навмид² ўлғил, чун мени навмид эттинг.

* * *

Ётларни, керакки, ошно кам қилсанг,
Ҳар кимки вафо қилса, жафо кам қилсанг.
Навмид бўлур борча вафодорларинг
Гар шоҳ назаринг бирла вафо кам қилсанг.

* * *

Ҳижрон аро ёд этиб, мени шод эттинг,
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод эттинг.
Не лутф эди, дей, ҳури паризод, эттинг,
Гўёки бузук Каъбани обод эттинг!

* * *

Ҳар ердаки гул бўлса, тикон бўлса, не тонг?!
Ҳар қандаки май, дурдидан³ бўлса, не тонг?!
Шеъримда агар ҳазл, агар жид, кечурунг,
Яхши борида агар ёмон бўлса, не тонг?!

* * *

Ҳижрон ғамидин неча шикоят қилолинг,
Келгилки, висолдин ҳикоят қилолинг.
Тенгри ҳақи, бизни деб агар сен келсанг,
Кўнглунгдагидек лутфу иноят қилолинг.

¹ *Жовид* — мангу, абадий.

² *Навмид* — умидсиз.

³ *Дурд* — май қуйқаси, қолдиғи. Тасаввуфда — қаноат ва номуродлик. Маъшуқанинг ошиқни бетоқат қилувчи ёдини ҳам билдиради.

* * *

Кўрдунг, доғи кўзунгга гирифтор эттинг,
Сўрдунг, доғи сўзунгга гирифтор эттинг.
Бу табъу камолинг била ўз бошинг учун
Бошдин мени ўзунгга гирифтор эттинг.

* * *

Эй ёр, ҳазин кўнглумни ёд айламадинг,
Меҳрингни қам айладинг — зиёд айламадинг.
Ё менда гунаҳ бордур, унуттунг ё сен,
Оё, не жиҳатдурурки, ёд айламадинг?

* * *

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил!
Ё баҳри иноятингда мустағрақ¹ қил!
Ё Раб, сенгадур юзум — қаро, гар оқ қил,
Ҳар навъ сенинг ризонг эрур, андоқ қил!

* * *

Доим соғиниб, кўнгулни ол, хуш қолғил!
Раҳмат назарини менга сол, хуш қолғил!
Нохуш эди буки, мен ёмон бордим, лек,
Сен лолаъзор, яхши қол, хуш қолғил!

* * *

Эй ёр, сенинг васлинга етмак мушқил,
Фархунда² ҳадисингни³ эшитмак мушқил,
Ишқингни доғи бартараф этмак мушқил,
Бошни олибон бир сари кетмак мушқил.

¹ *Мустағрақ* — гарқ.

² *Фархунда* — қутлуғ.

³ *Ҳадис* — сўз, нутқ.

* * *

То водийи ҳажрингда қилибмен манзил,
Суврат била гарчи айрумен мен бедил.
Валлаҳки¹, эй ёр, сенинг ёдингдин
Бир лаҳзаю бир замон эмасмен ғофил.

* * *

Яксон² караминг қошида мудбир³, муқбил⁴,
Осон сенинг оллингда жамиъи мушқил.
Ё лутфу иноят онча қилким, кўтарай,
Ё қаҳру ғазабни тоқатим борича қил.

* * *

Кўзунгдин эрур, назора қил, хасталиғим,
Қошингдин эрур ғам била пайвасталиғим⁵.
Бошимни олиб кетгай эдим юз қотла,
Бўлмаса эди сочингга дилбасталиғим⁶.

* * *

Сенинг била менки, ошнолиғ қилдим,
Ишқингни ҳазин жонға балолиғ қилдим.
Кўрмай-билмай мени вафосиз дебсен,
Мен сенга не навъ бевафолиғ қилдим?

* * *

Кўнглум тилаги висол эмиштук, билдим,
Ул васл доғи маҳол эмиштук, билдим.
Ҳар қандаки бўлса меҳрибондур, дер эдим,
Ул доғи ғалат хаёл эмиштук, билдим.

¹ *Валлаҳ* — Худо ҳаққи.

² *Яксон* — тенг, баробар.

³ *Мудбир* — иши юришмаган, бахтсиз.

⁴ *Муқбил* — бахтли, иқболли.

⁵ *Пайваста* — боғланган, улашган, туташган.

⁶ *Дилбасталиғ* — кўнгил қўйганлик, ошиқлик.

* * *

Зулфиға кўнгул қўюб, паришон бўлдум,
Кўз олдурубон юзига, ҳайрон бўлдум.
Чин дей сенга, Бобуроки, ошиқлиғда
Ҳар неки қилиб эдим, пушаймон бўлдум.

* * *

Хуснунг сифатини эшитиб зор ўлдум,
Кўрмай сени ишқингга гирифтор ўлдум.
Сўрғилки, ғаминг фироқи беҳол этти,
Кўргилки, кўзунг ҳажрида бемор ўлдум.

* * *

Эй гул, не учун қошингда мен хор ўлдум?
Юз меҳнату андуҳ била ёр ўлдум!
Васлинг била бисёр севиндум аввал,
Ҳажринг била оқибат гирифтор ўлдум.

* * *

Ҳар кунда юзунгни кўрмак эрур ҳавасим,
Ҳар кеча сочинг хаёлидур ҳамнафасим.
Исо дамидин руҳ берур жисмимга,
Сенинг соридин паём¹ келтурса насим.

* * *

Қотингда агар гуноҳ гоҳе қилдим,
Юз қотла надомат била оҳе қилдим,
Қилдим ёмону асру табаҳе² қилдим,
Лутфунг била сен кечур — гуноҳе қилдим.

¹ Паём — хабар, дарак.

² Табаҳ — бузуқ, хароб, вайрон.

* * *

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,
Ҳар ким бу «Вақоеъ»ни ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.

* * *

Юз шукр қилайки, ёна ошиқ бўлдум,
Оламга бўлуб фасона¹, ошиқ бўлдум.
Яхши сўзунггу васфи жамолинг эшитиб,
Кўрмай сени ғойибона ошиқ бўлдум.

* * *

Ишқинг йўлида фироқ ила нетгаймен?
Бир йўл кўрсатки, васлинга етгаймен!
Васлинг манга гар муяссар ўлмас бўлса,
Бошимни олиб бир сориға кетгаймен!

* * *

Васфингни неча улусдин эшитгаймен,
Не навъ қилиб висолинга етгаймен?
Гар васл муяссар ўлмаса нетгаймен?
Бошимни олиб қай сориға кетгаймен?

* * *

Ул хатки, мен анда сени ёд этгаймен,
Кўз оқида, кошки, савод этгаймен.
Кирпиклардин анга қалам рост қилиб,
Кўз қорасидин анга мидод² этгаймен.

¹ *Фасона* — афсона.

² *Мидод* — сиёҳ, қоралик.

* * *

Беқайдмену хароби сим эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим¹ эрмасмен.
Кобулда иқомат этти Бобур дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим² эрмасмен.

* * *

Меҳринг недурур — бурун чу бор, жавр — кейин,
Бефоида ишқинг ғамини неча ейин.
Ҳолимни неча десам, демассен мени ёр,
Сен демасанг «Эй ёр!» мени, мен не дейин?!

* * *

Ҳажрингда не қон қолдики, ютмайдурмен?!
Кўз ёшини бир лаҳза қурутмайдурмен.
Дийдорингнинг ҳаққини, эй юзи қуёш,
Тенгри ҳақи, бир зарра унутмайдурмен.

* * *

Сен гулсену мен ҳақир³ булбулдурмен,
Сен шуъласен, ул шуълаға мен кулдурмен.
Нисбат йўқтур, деб ижтиноб⁴ айламаким,
Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен!

* * *

Эйки, ёролиғ жисмима марҳам сенсен,
Мажруҳ кўнгулға ништар ҳам сенсен.
Гаҳ шоду гаҳи ғамгин эсам, айб этма —
Ким, боиси шодмонлиғу ғам сенсен.

¹ *Лаим* — хасис, паст.

² *Муқим* — турғун, собит.

³ *Ҳақир* — беқадр, бечора.

⁴ *Ижтиноб* — узоқлашиш, четлашиш, сақланиш.

* * *

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
Жисмимда менинг руҳи равоним¹ сенсен.
Бобурни сенингдек ўзга йўқ ёри азизи,
Алқиссаки, умри жовидоним сенсен.

* * *

Эйким, манга мужда бердинг ул жонондин,
Қилдинг мени озод ғами ҳижрондин.
Бу муждани² не навъ сифат қилғаймен,
Гўёки хабар бердинг ўлукка жондин.

* * *

Даврон мени ўткарди сару сомондин³,
Ойирди мени бир йўли хонумондин.
Гаҳ бошимга тож, гаҳ балойи таъна,
Неларки, бошимга келмади даврондин.

* * *

Сўз сўрғали лаъли нуктадонинг⁴ топмон,
Юз суртғали ул остонинг топмон.
Беному нишонлиғ истасам, не тонгким,
Номингни эшитдиму нишонинг топмон.

* * *

Эл суҳбатиники, орзу қилмишмен,
Не хушлуғ ила бу гуфтугў⁵ қилмишмен.
Ишрат била айшни не иш қилғоймен,
Менким, ғаму меҳнат била хў қилмишмен.

¹ *Руҳи равон* — жон, ҳаёт, тириклик.

² *Мужда* — хушхабар.

³ *Сару сомон* — бу ерда: синов, имтиҳон.

⁴ *Нуктадон* — нозикфаҳм, доно.

⁵ *Гуфтугў* — суҳбат, гаплашиш, нутқ.

* * *

Май таркини қилғали паришондурмен,
Билмон қилур ишимни-ю, ҳайрондурмен.
Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,
Мен тавба қилибмен-у, пушаймондурмен.

* * *

Ишқинг мени қилди асру шайдо, нетайин?
Олам элига айлади расво, нетайин?
Жонимни фидо қилиб санга, андин сўнг
Дерменки, сени жон этай, аммо нетайин?

* * *

Васлингни тилаб неча, сабодин билайин,
Келгилки, қуюндек бошингга эврулайин.
Гар келмасанг, истасанг мени хидматингга,
Бошимни қадам қилиб, қадамга келайин.

* * *

Ишқ ишини боштин яна бунёд этайин,
Ишқинг ғами бирла хотирим шод этайин.
Дебсенки, унутма мени ҳижрон аро, вой,
Сени унутуб, не кишини ёд этайин?!

* * *

Бесабрмену бесару сомондурмен¹,
Бир ғамзададурмену² паришондурмен.
Не диннинг ишин қилдиму не дунёнинг,
Ё Раб, нетай, ўз ишимга ҳайрондурмен.

¹ Бесару сомон — бахтсиз, бечора.

² Ғамзада — ғамгин, қайғули.

* * *

Ғам хонаси сори гузар¹, эй жон, қилма!
Ишрат уйини кулбаи аҳзон² қилма!
Зулфунг киби кўнглумни паришон айлаб,
Лаълинг киби бағримни тўла қон қилма!

* * *

Ҳар зулфтин, эй кўнгул, паришон бўлма,
Ҳар юзга ҳам асру зору ҳайрон бўлма.
Мен сенга демонки, тарки ишқ эт, лекин,
Андоқ қилким, сўнгра пушаймон бўлма!

* * *

Давлатқа етиб, меҳнат элин унутма!
Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма!
Борғонни, кел эмди, ёд қилмай, эй дўст,
Бориш-келишингни лутф этиб, ўксутма!³

* * *

Кўз равшан эди сенинг жамолинг бирла,
Кўнгул хуш эди сенинг висолинг бирла.
Бас тийраю нохуш этти ҳажринг бизни,
Эмди қилалинг хўй хаёлинг бирла.

¹ Гузар — ўтиш, кечиш.

² Кулбаи аҳзон — ғам уйи, қайғу кулбаси, ҳасратхона. Бу тусунча Яъқуб пайғамбар ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, сеvimли жигарбанди Юсуфдан ажралгач, у йўл бўйида бир уй тиклаб, унинг йўлига кўз тикиб, кеча-кундуз йиғлай-йиғлай кўр бўлиб қолади. Бу уй байт ул-аҳзон номи билан машҳур. Мумтоз адабиётда сўнгсиз дарду ғамда, чорасиз аҳволда қолган кишининг уйини, ҳаётини, дунёни байт ул-аҳзонга нисбат бериш бир анъана тусини олган.

³ Ўксутмоқ — камайтирмоқ.

* * *

Рухум яратиб эдинг латофат бирла,
Қилдинг анга танни ҳамраҳ офат бирла.
Рухумни чу тан уйига келтурдунг пок,
Мундин бори элтма касофат бирла.

* * *

Сен анда фароғу айшу ишрат бирла,
Мен мунда хароб ранжу меҳнат бирла.
Асрармен ўзум бирла сени нақш қилиб,
Хурсанд бўлурмен ушбу суврат бирла.

* * *

Нетгай киши бу фалак нифоқи бирла,
Этгай бу фалак оту сўроқи бирла.
Гаҳ тиргузадур висол айёминин,
Гаҳ ўлтурадур шоми фироқи бирла.

* * *

Рафторию қаддиға равоним садқа,
Бир боқишиға икки жаҳоним садқа.
Оғзию белига буду нобудум¹ сарф,
Кўзию лабиға жисму жоним садқа.

* * *

Келдим санга юз умид бирла, эй моҳ,
Лекин, бордим юзунгни кўрмай, юз оҳ,
Ҳамсуҳбату ҳамраҳни нетай бу йўлда?
Дардинг мени ҳамсуҳбату ишқинг ҳамроҳ.

¹ *Буду нобуд* — бору йўқ.

* * *

Не хеш¹ мени хушлару не бегона,
Не ғайр ризо мендину не жонона.
Ҳар нечаки яхшилиқта қилсам афсун²,
Халқ ичра ёмонлиғ била мен афсона.

* * *

Бу даҳр аро гар эҳтимоли бўлса,
Мендек сенга ёри лоуболи³ бўлса.
Ул ёр бaсе нозикy йўқ менда адаб,
Мендин, не ажаб, агар малоли бўлса.

* * *

Ёр улдурким, шеърға майли бўлса,
Нетгай киши шеър ғайр хайли⁴ бўлса?!
Ағёрнинг озорини ҳар ҳол била
Чеккаймен агар ёр туфайли бўлса.

* * *

Жон вола эрур лаъли шакарборингға⁵,
Кўнглум ҳам эрур хароб рухсорингға.
Гуфторинг эрур боштин-аёқ борчаси хўб,
Мен банда бўлай боштин-аёқ борингға.

* * *

Эй, ой юзунг оллида қуёш шарманда,
Ширин сўзу яхши хулқунгға мен банда,
Ҳижронда неча нома била сўзлашалинг,
Ё сен бери кел, ё борайин мен анда.

¹ *Хеш* — қариндош-уруғ.

² *Афсун (Фусун)* — сеҳр, жоду, ҳийла.

³ *Лоуболи* — бепарво, беғам.

⁴ *Хайл* — 1) тўда, гуруҳ, тоифа; 2) эл, жамоа; 3) оила, бола-чақа, аҳлу аёл.

⁵ *Шакарбор* — шакар ёғдирувчи, ширинсўз.

* * *

Неча бу фалак солғуси ғурбатқа мени,
Ҳар лаҳза тугонгусиз машаққатқа мени.
Не чора қилай, нетайки, Тенгри гўё,
Меҳнатни менга яратти, меҳнатқа — мени.

* * *

Бедард ҳабиб билмади дардимни,
Туфроқча кўрмади руҳи зардимни¹.
Мендин неча кўнглида ғубори бўлғай,
Кеттим муна, эмди топмағай гардимни.

* * *

Кўнгли тилаган муродиға етса киши,
Ё борча муродларни тарк этса киши.
Бу икки муяссар ўлмаса оламда,
Бошини олиб бир сориға кетса киши.

* * *

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатта киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатта киши.
Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.

* * *

Оворалиғ асру хонумондин яхши,
Бир гўша манга икки жаҳондин яхши.
Овора бўлурни яхши эрмас демагил,
Бўлсам агар овора, не ондин яхши?!

¹ Зард — сариқ. Руҳи зард — сариқ, заъфарон юз.

* * *

Ҳажрингда бу тун кўнгулда қайғу эрди,
Васлингға етишмадим — жиҳат бу эрди:
Оҳим тутуни бирла кўзумнинг ёшидин
Йўл балчиқ эди, кеча қаронғу эрди!

* * *

Ҳажрингда, агарчи жонға бедод эрди,
Сенсиз манга юз фиғону фарёд эрди.
Фикрингдин эрди, валеқ, хурсандлиғим,
Зикринг била бу хаста кўнгул шод эрди.

* * *

Ишқингда кўнгул харобдур, мен не қилай?
Ҳажрингда кўзум пуробдур¹, мен не қилай?
Жисмим аро печу тобдур², мен не қилай?
Жонимда кўп изтиробдур, мен не қилай?

* * *

Шоҳим, санга маълум эмастур, не қилай?
Оҳим санга маълум эмастур, не қилай?
Мен юзу қошинг дермену сен — бадру³ ҳилол,
Моҳим, санга маълум эмастур, не қилай?

* * *

Бошимни туфайл ул саромадқа⁴ қилай,
Жонимни фидо ўшал сиҳи қадқа қилай.
Бу хаста кўнгул била хамида⁵ қадни
Кўзи била зулфиға анинг садқа қилай.

¹ *Пуроб* — ёшга тўла.

² *Печу тоб* — алам, изтироб.

³ *Бадру* — ўн тўрт кунлик ой.

⁴ *Саромад* — бошқалардан устун, мумтоз.

⁵ *Хамида* — эгик, эгилган.

* * *

Ҳижрон аро неча нома таҳрир қилай,
Хома тили бирла ҳол тақрир қилай.
Хуш улким, сўзум санга десам воситасиз,
Сен андаю мен мунда — не тадбир қилай?

* * *

Менинг тилагим будурки, то зинда¹ бўлай,
Ҳар қанда эсанг, банда доғи анда бўлай.
Не хулқ эди, ёна кўнглум олдинг сўз ила,
Ширин сўзу яхши хулқунгга банда бўлай!

* * *

Носих² сўзи санга неча мардуд³ ўлғай,
Яхшию ямон қошингда нобуд ўлғай.
Бори эмди маош⁴, бир навъ этким,
Ҳақ розию олам эли хушнуд ўлғай.

* * *

Юз жаҳд ила етмай санга, эй ой, нетай?
Ҳажринг аламида неча йиғлой, нетай?
Йўқ санга вафою раҳму парвой, нетай?
Эй вой, нетай? Вой, нетай? Вой, нетай?

* * *

Мен неча жафою жаврунга сабр этай?
Бир зарра вафою меҳр йўқ сенда, нетай?
Чун бошим аёғингга қўярға ярамас,
Бошимни олиб аёқ етганча кетай!

¹ *Зинда* — тирик.

² *Носих* — насиҳатгўй.

³ *Мардуд* — рад қилинган.

⁴ *Маош* — тирикчилик, яшаш.

* * *

Толёъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники, айладим — хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди?!

* * *

Хуснунгки сенинг шуҳраи офоқ ўлди,
Жон бирла кўнгул васлингга муштоқ ўлди.
Ҳажринг аро интизор ҳаддин ошти,
Кел ё мени иста — тоқатим тоқ ўлди.

* * *

Бу чехраи зардимдин уёлсанг, нетгай?
Раҳмат назарини манга солсанг, нетгай?
Бир ишва била кўнгул бериб Бобурға,
Бир бўса била кўнгулни олсанг, нетгай?

* * *

Гар сидқ била бировки, ошиқ бўлғай,
Маъшуқ висоли анга лойиқ бўлғай.
Пир оллида топқуси муродин бешак,
Ҳар кимки, агар муриди¹ содиқ бўлғай.

¹ *Мурид* — толиб, талабгор, бирор шайх ёки пирга қўл бериб, унга эргашувчи. Тасаввуфда моддий боғлиқликлар ва ўз хоҳиш-иродасидан воз кечиб, Ҳаққа интилаётган киши.



ТУЮҚЛАР

Васлдин сўз дерга йўқ ёро манга,
Ҳажр аро раҳм айлагил, ёро, манга.
Ўқунг этти кўп ёмон ёро манга,
Марҳами лутфунг била ёро манга.

* * *

Улки, ҳар кўзи ғазоли¹ Чиндурур,
Қошида пайваста онинг чиндурур.
Чунки кўп ёлғон айтти ул манга,
Гар десам ёлғончи они чиндурур.

* * *

Мени беҳол айлаган ёр ойдурур —
Ким, онинг васли менга ёройдурур.
Гар висоли бўлмаса, кетар ерим
Ё Хуросон, ё Хитой, ё Ройдурур².

* * *

Ишқ аҳли ишқ дардини танинг,
Кўп ёмондур, дарди ишқидин танинг.
Ҳар неча кўзум оч эрса, кўз тўёр
Гар очилса сиймдек нозик танинг.

¹ *Ғазол* — кийик, оҳу.

² *Рой (Рай)* — Техрон яқинидаги қадимий шаҳар.

* * *

Кел, қилай жонни нисоринг, о ёрим,
Нақди жонни борму сендин оёрим?!
Бўса берсанг гар тамом оғзинг била,
Кунжи оғзингдин олойин оёрим.

* * *

Сен киби бир дилрабони билманам,
Ошиқи содиқки дерлар, бил, манам,
Қил тасаввур кўз ёшимни бир тенгиз¹,
Ўзга ошиқ ашки янглиғ билманам.

* * *

Қаддимни фироқ меҳнати ё қилди,
Кўнглум ғаму андуҳ ўтиға ёқилди.
Ҳолимни сабоға айтиб эрдим, эй гул,
Билмон, санга шарҳ қилмади ё қилди?!

¹ Тенгиз — денгиз.



ФАРДЛАР

Кошки эл бирла ул маҳваш ҳикоят қилмаса,
Ё ҳикоят қилганини эл ривоят қилмаса.

* * *

Бўлмади ҳаргиз, нетай, ул бевафо ёрим менинг,
Гар менга ёр ўлса ул, бўлғай Худо ёрим менинг.

* * *

Қадин кўз жўйборига¹ ул ой бехост² келтурса,
Оёғидин кўтармай бошни, Тенгри рост келтурса.

* * *

Не осиг ишқ аро манъ айламак оху фиғонимни —
Ки, мен барбод бермишмен бу йўлда хонумонимни.

* * *

Сенгаким, арзи ҳолимни адо мен нотавон қилдим,
Муборак хотирингга нохуш-ар келса, ёмон қилдим.

* * *

Кўзум ёруғлиғию хаста кўнглум хушлиғи сенсен,
Баданда жонсену жоннинг дағи дилкашлиғи сенсен.

¹ Жўйбор — ариқ, сой.

² Бехост — бехос, тўсатдан, қутилмаганда.

* * *

Меҳр ила хурсанд этарсен, жавр ила помол ҳам,
Бир замон ғамгин қилурсен, бир замон хушҳол ҳам.

* * *

Улфатим эл бирла оздур, кўбдур эл жаври менга,
Не менинг таврим ёқар элга, не эл таври менга.

* * *

Ўзга ҳамдам истабон, жонимга маҳрам найлайин?
Менмену ул ой хаёли, ўзга ҳамдам найлайин?

* * *

Очилди кўнглум ўшал гулғузур келганидин,
Нечукки, ғунча очилғай баҳор келганидин.

* * *

Жафони қўй, вафо таркини тутма,
Унутмасмен сени, сен ҳам унутма.

* * *

Тасаввур қилмағилким, сендин, эй жон, ўзга қилғаймен,
Кўнгул ул, фикр ҳам улдур, не имкон ўзга қилғаймен?

* * *

Бормаким, кўнглумда васлинг иштиёқидур ҳануз,
Келки, васлинг иштиёқи менда боқидур ҳануз.

* * *

Ҳажр ила кўнглумни буздинг, васл бирла туз мени,
Бордингу ўлтурдунг охир, кел, дағи тиргуз мени.

* * *

Гўшае тутсам, жаҳоннинг элидин ғам кўрмасам,
Истарам эл кўрмаса мени-ю, мен ҳам кўрмасам.

* * *

Жаҳон бирла жаҳоннинг аҳлидин беҳад малолим бор,
Биридин қатъ этиб, ул бирга қотилмас хаёлим бор.

* * *

Жонни фидо қилиб сенга, бормен дағи ёмон,
Қилган ҳамондурур доғию қилмаган ҳамон.

* * *

Бўлди ҳажринг дўзахининг бартараф бўлмоқ чоғи —
Ким, висолингнинг далилидур кўзумнинг учмоғи.

* * *

Тани зоримни де, гулшанда шохи нотавон кўрсанг,
Сариф юзумни соғин, боғ аро барги хазон кўрсанг.

* * *

Тутмагил, эй гул, равоким, ишқинг ичра бир ғариб,
Ерга бош қўйғай хазон яфроғи янглиғ сарғариб.

* * *

Ул икки лаби рамзи дард аҳлиға қилмайдур,
Гул гунчасидур гўё, бизларга очилмайдур.

* * *

Сенинг учун ватаним кўху дашт бўлғусидур,
Анинг учунки, вафосиз ғазол кўрунасен.

* * *

Ёр қадрин билмадим то ёрдин айрилмадим,
Ёр қадри мунча ҳам душвор экандур билмадим.

* * *

Мени ҳижронда куйдурсанг, кўнгул сендин совутмасмен,
Агарчи сен унутгунг мени, сени мен унутмасмен!

* * *

Жаҳон элию жаҳон борча гар адам бўлса,
Адам йўлини тутай зарра менда ғам бўлса.

* * *

Истарам етсам қуюндек гулғузорим қошиға,
Оллида туфроғ бўлуб, эврулсам онинг бошиға!

* * *

Бу дунёдин фараҳ йўқтур мени маҳзунға жононсиз,
Жаҳондинким, десун, биллоҳ¹, керакмас манга жон онсиз!

* * *

Ишқ юки айлади сипеҳри аълони хам,
Не ажаб, ар айласа менингча шайдони хам.

* * *

Бошим қадам қилибон висолинга етайин,
Муяссар бўлмаса васл, бош олибон кетайин.

¹ Биллоҳ — Худо ҳаққи.



ҲИКМАТЛАР

Отани чунки қибла дебтурлар,
Қибла янглиғ анга назар қилғил.
Ота оғритма, эй отам, зинҳор,
Ота озоридин ҳазар қилғил.

* * *

Бировнингниким, бировдин кўнгли қолур,
Киши юз сўз била кўнгулни олур.

* * *

Арзимас ғам емакка бу дунё,
Бал, отин ҳам демакка бу дунё.

Тамаъ узғил бу эски дунёдин,
Хотирингдин чиқар бу дун ёдин.

Давлат учун кўнгулни зор этма!
Иззат учун ўзунгни хор этма!

Кўз очиб-боққунча сафо йўқ анга,
Кўз юмуб-очқунча бақо йўқ анга.

Даҳрдин кимга бўлма мултамаси¹,
Беш эмас орзу била ҳаваси.

¹ *Мултамас* — илтимос қилинган, сўралган.

* * *

Нафсининг касбидур ҳавою ҳавас,
Руҳ олидадур булар ярамас.

Нафс душмандурур яқин¹ билгил,
Дўстум, бу сўзумни чин билгил.

Душманедур, агарчи, ўтру эмас,
Лек, бир лаҳза сендин айру эмас.

Гарчи зоҳирда тўғридектур нафс,
Жисминг уида ўғридектур нафс.

Бурноғилар сўзин назар қилғил,
Уйнинг ўғрисидин ҳазар қилғил.

* * *

Нафс тавсанини ром қил ўзунга,
Қодир ўл ҳарна сўз десанг сўзунга.

* * *

Ҳар сўзки эшитса, деса бўлмас,
Сўз борки, айтса — деса бўлмас.

* * *

Не ёрою не ҳаддурур кишига —
Ки, дахл айлағай Тенгрининг ишига.

* * *

Жаҳон чун бевафодур, нечаким андиша Бобур қил,
Ўзунгни подшоҳи жумлаи олам тасаввур қил.

¹ *Яқин* — ҳақиқат.

* * *

Яхшилиғ чун қилмадинг, боре ёмонлиғ қилмағил.

* * *

Ҳар кимки кўп айтур, паришон айтур.

* * *

Ёмонлик қилганингдан кейин офатлардан эмин бўлма, чунки табиатнинг берадиган жазоси аниқ.

* * *

Чун салтанат дағдағаси ва мулкгирлик доияси¹ бор, бир қатла-икки қатла иш юрумаган била боқиб ўлтуруб бўлмас.

* * *

Ҳеч нима Тенгрининг хостидин ўзга бўлмас.

* * *

Мулкгирликда ва мамлакатдорликта агарчи баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва муважжаҳ² кўрунур, вале ҳар ишнинг заминида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдур.

* * *

Ишлар вақтида бажарилиши керак, вақтида бажарилмаган иш суст бўлади, суст.

¹ *Мулкгирлик доияси* — мулк олиш орзуси.

² *Муважжаҳ* — маъқул, ёқимли.

* * *

Бурунғилар дебетурларким, кўрғон беркитмакликка бош керак, икки қўл керак, икки бут керак: бош сардор бўлғай. Икки қўл икки тарафтин келур кўмак ва мадад бўлғай. Икки бут кўрғоннинг суйи била захираси бўлғай.

* * *

Ишрат усраттин¹ сўнг, фароғат машаққаттин кейин лаззатлироқ ва яхшироқ кўринур.

* * *

Иш қопуға² келган маҳалда жидд ва эҳтимомни³ тақсир қилмамоқ керак, сўнгра пушаймонлик бефойдадур.

* * *

Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш.

* * *

Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кўнгил очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлур.

* * *

Сен ўзинга ёмонлик қилувчини турмуш ҳукмига ҳавола қил. Турмуш сенга ўч олиб берувчи хизматкордир.

* * *

Яхши кишининг хонасидаги ёмон хотин шу дунёнинг ўзидаёқ унинг дўзахидур.

¹ *Усрат* — қийинчилик.

² *Қопу* — эшик, дарвоза.

³ *Эҳтимом* — аҳамият бериш, диққат қилиш.

* * *

Ғаразким, бу дунёда кишидин ушмундоғ нималар қолур, ҳар ким ақлдин баҳравар бўлса, нега андоғ ҳаракатга иқдом¹ қилғайким, андин сўнг ёмон дегайлар ва ҳар кишига ҳушдин асари бўлса, нега андоғ амрга иқдом ва эҳтимом қилмағайким, қилғондин сўнг мустаҳсан² дегайлар.

* * *

Ҳар кимдин яхши қоида қолғон бўлса, анинг била амал қилмоқ керак.

* * *

Агар ота ёмон иш қилғон бўлса, яхши иш билан бадал қилмоқ керак.

* * *

Ҳар бир юзага келган яхши-ёмонликни текшириб қарасанг, турмуш учун хайриятлидир.

* * *

Агар олам тиғи ўз жойидан кўзғолса, Худо хоҳламас бир томирни ҳам қирқолмайди.

* * *

Неким азалда Тенгри тақдир қилибтур, андин ўзга бўлмас.

* * *

Салтанат ва жаҳонгирлиғ беасбоб ва олот³ даст бермас⁴. Подшоҳлиқ ва амирлиқ бенавкар ва вилоят мумкин эрмас.

¹ Иқдом — қадам қўйиш, юриш.

² Мустаҳсан — маъқул; таҳсинга сазовор.

³ Олот — асбоблар, қуроолар.

⁴ Даст бермоқ — муяссар бўлмоқ.

* * *

Ҳар кимки ҳаёт мажлисиға кирибтур, оқибат ажал пай-
монасидин ичгусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзи-
лиға келибтур, охир дунё ғамхонасидан кечгусидур.

* * *

Ёмон от била тирилгандин, яхши от билан ўлган
яхшироқ.

* * *

Гаронжонлиқ¹ била коҳиллиқ² подшоҳлиқ била рост
келмас.

* * *

Улуқлар қўтаримлик керак.

* * *

Ҳеч қайда подшоҳлиқ қайдича йўқтур.

* * *

Подшоҳлиқ била ёлғузлиқ рост келмас.

* * *

Жаҳонгирлик тўхтаб турмайди, ким яхши тиришса,
жаҳон ўшаники бўлади, ҳаётда ҳар бир нарса тўхташи
мумкин, аммо подшоҳлиқ тўхтамайди.

* * *

Инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаз-
затларига мойилдир.

* * *

Башар нафси ёмонликка майл этишдан узоқ эмас.

¹ *Гаронжонлиқ* — вазминлик, оғирлик, босиқлик.

² *Коҳиллиқ* — суствлик, бўшлиқ.

* * *

Ўрнига қараб, гулга — гул, тиканга — тикан бўл.

* * *

Эй кўнгул, яхши ики дунёдин
Бир назар қилса санга дилдоринг!

* * *

Аъзою жавориҳингни¹ ҳозир қилғил,
Жон бирла кўнгул ҳозир у нозир қилғил.
Ҳар лаҳза бир андишаю бир фикрни қўй,
Андишаю фикрингни борин бир қилғил.

* * *

Душман сўзига кирма, эшит дўст сўзин,
Эшитмаса сўзни дўст, душман не дегай?

* * *

Борму эркин ҳеч нима оламда ҳижрондин ёмон,
Ҳар неким ондин ёмонроқ йўқ, будур ондин ёмон.

* * *

Сендин айру найлагаймен айшу саҳбо хушлуғин —
Ки, сенинг учун тилармен барча дунё хушлуғин.

* * *

Хуш ул бурунқи замонларки, ўттию борди,
Хуш ул кишики, замонларни яхши ўтқорди.

* * *

Кўпу озға Тенгридур бергучи,
Бу даргоҳда йўқтур кишининг кучи.

¹ Жавориҳ — тана аъзолари.



МУНДАРИЖА

Эргаш Очилов. Навоийнинг муносиб издоши	3
Ғазаллар	15
Рубоийлар	68
Туюқлар	89
Фардлар	91
Ҳикматлар	95

Адабий-бадиий нашр

Жаҳон шеърляти дурдоналари

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

САНГА КЎНГЛУМНИ ОЛДУРДУМ

Рассом	<i>А. Саидбердиев</i>
Муҳаррир	<i>О. Қанаев</i>
Бадиий муҳаррир	<i>Р. Зуфаров</i>
Техник муҳаррир	<i>Т. Харитонова</i>
Мусахҳиҳ	<i>С. Салохутдинова</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>К. Голдобина</i>

Нашриёт лицензияси АИ №158. 14.08.2009.

Босишга рухсат этилди 28.03.2011. Офсет қоғози. Бичими 84×108¹/₃₂.

«TimesUZ» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табағи 5,46. Нашр табағи 3,58.

Нусхаси 3000. Буюртма № 11-78.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: iptduzbekistan@mail.ru

www.iptd-uzbekistan.uz

Бобур, Заҳириддин Муҳаммад

Б79 Санга кўнглумни олдурдум / Заҳириддин Муҳаммад Бобур; Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов. — Т.: O'zbekiston, 2011. — 104 б. — (Жаҳон шеърляти дурдоналари).

И. Очилов, Эргаш. (тузувчи).

ISBN 978-9943-01-658-3

Мирзо Бобур адабий меросининг энг сара намуналари асосида тузилган ушбу тўплам шоҳ-шоирнинг дилўртар ғазаллари, пурмаъно рубоийлари, ғўзал туюқлари, дақиқ кузатишлар маҳсули бўлмиш фардлари ва турли асарлари орасидан саралаб олинган теран маъноли ҳикматларини ўз ичига олади. Забардаст сўз санъаткори назмий мероси ва бадиий маҳорати ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилувчи мазкур мажмуа шеърят мухлисларига муносиб туҳфа деб ўйлаймиз.

УДК: 821

ББК 84 (5ў)1

5002

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-658-3



9 789943 016583